БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 67 (18.245). • 21 март 1982 йил, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИ XVII СЪЕЗДИДАГИ ЕРКИН ВА СЕРМАЗМУН НУТҚИНИ ЗЎР ДИҚҚАТ ВА ЭЪТИБОР БИЛАН ЎРГАНИБ ЧИҚМОҚДАЛАР

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

СССР касаба союзларининг XVII съезди совет касаба союзлари номидан, кўп миллатли Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари номидан жонажон Коммунистик партияга, ленинчи Марказий Комитетга, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, меҳнат аҳлининг тинчлиги ва бахт-саодати йўлида толмас курашчи Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги унинг Сиёсий бюросига қизғин салом йўллайди.

Бизнинг съездимиз совет касаба союзлари партиянинг омма ўртасидаги ишончли таянчи эканлигини, ривожланган социалистик жамият шароитида бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби сифатида касаба союзларининг роли тобора кўпроқ ортиб бораётганлигини яна бир бор кўрсатди.

Съезд Совет Иттифоқи ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари, барча миллатлари ва элатлари Ленин партияси теварагида мустаҳкам жипслашганликларини, улар халқнинг туб манфаатларини ифода этувчи партия сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга астойдил азму карор берганликларини яққол намойиш этди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий карорларини ўзларининг жонажон ва қадрдон иши деб қабул қилдилар. Улар ана шу карорларни амалга ошириш ўн биринчи беш йиллик планларини бажариш сохасида фидокорона ишламоқдалар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янгидан янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг табрикномаси, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет кишилари фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида Ер юзида тинчликни сақлаб колиш ва мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган ёркин, илхомбахш нутқи барча совет кишилари каби съезд делегатларининг ҳам кучига-куч ва ғайратига-ғайрат қўшди.

Марказий Комитетнинг кўрсатмалари, Леонид Ильич, Сизнинг доно маслаҳатларингиз ва эзгу тилакларингиз касаба союз ишига янги қудратли омил бахш этади. Совет касаба союзлари ана шу кўрсатмалар, доно маслаҳатлар ва эзгу тилаклари жанговар программа деб биладилар ҳамда уларни ўзларининг бутун фаолиятига асос қилиб оладилар.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ҳар томонлама юксалтириш асосидагина меҳнаткашларнинг турмуш даражасини муттасил ошириш мумкинлигини ҳар биримиз аниқ-равшан англаймиз. Бинобарин, биз партиянинг иқтисодий стратегияси изчиллик билан амалга оширилишига яна ҳам зўр сабот-матонат билан эришишга ҳаракат қилаверамиз. Совет касаба союзлари экономикамизнинг интенсив ривожланиш йўлига ўтишини таъминлаш, бу экономикани ҳақиқатан ҳам тежамли қилиш учун бутун қучини сарфлайдилар. Касаба союзлари мамлакатнинг ёқилғи-энергетика базасини ривожлантиришга, металл ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, капитал қурилишни, транспорт ишини ҳамда мамлакат халқ хўжалиги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа тармоқларнинг ишини яхшилашга қўшадиган ҳиссасини оширадилар.

Биз аграр саноат комплексини ривожлантириш борасидаги ишга, қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашга яна ҳам активроқ қўшиламиз. Партиянг, Марказий Комитетнг, Леонид Ильич, шахсан Сизни ишонтириб айтамизки, совет касаба союзлари қуч ва меҳнатларини аямай озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Биз партиянинг социал-иқтисодий сиёсати мақсадларига эришиш манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам оммавий социалистик мусобакани меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини авж олдириб, такомиллаштираверамиз, мусобакадошларнинг куч-ғайратларини ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг туб вазифаларини ҳал этишга — иш унумдорлиги ва сифатини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, моддий табиий ресурслар ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб омилкорлик билан фойдаланишга, ёқилғи, энергия, металл, хом ашёни тежашга муттасил йўллаб турамиз.

Биз илғорлар тажрибасини яна ҳам кенгроқ оммалаштириш ва жорий этишга, ихтирочилар ва рационализаторлар ҳаракатини ҳамма жойда ривожлантиришга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, меҳнатни ташкил этиш формаларини такомиллаштириш учун актив кўмаклашишга бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз. Леонид Ильич, биз Сизнинг кўрсатмаларингизга амал қилиб, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор бригада формасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун ҳар бир бригада ҳақиқатан ҳам ишчиларда бошқарувчилик малакаларини ривожлантиришнинг намунакам мактаби, ҳар қандай ижодий ташаббуснинг тажриба лабораторияси бўлиб қолмоғи учун барча зарур ишларни киламиз.

Совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитлари қанчалик яхши бўлса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш шу қадар муваффақиятли боришини биз яхши тушунамиз. Касаба союзлари мана шунга асосланиб меҳнатни нормалаш ва муҳофаза килиш масалаларига хавфсизлик техникасига, меҳнат қонунларига риоя этилишига эътиборни кучайтирадилар. Улар меҳнаткашларнинг ҳаққоний ҳуқуқлари ва манфаатлари посбонлигила қатъий турадилар, ҳуқуқ нормаларидан ҳар хил чекинишларга нисбатан муросасиз бўладилар, бюрократизм, кўполлик, сансоларликнинг ҳар қандай кўринишларига карши қатъий, муросасиз кураш олиб борадилар.

Совет касаба союзлари партия белгилаган социал программани амалга оширишда бевосита, ғоят актив иштирок этадилар. Биз меҳнаткашларнинг соглигини мухофаза қилиш, кишиларнинг санаторий, курортларда даволанишга, дам олишини, пенсия таъминотини, уй-жой шарситларини яхшилаш тўғрисида яна ҳам кўпроқ ғамхўрлик киламиз. Биз савло, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари ишини такомиллаштиришга эришиш учун сабот билан ҳаракат киламиз, улар устидан таъсирчан ишчи назоратини ўрнатамиз.

Бизнинг касаба союзларимиз бутун тарбия иши билан совет кишиларининг сиёсий, ижтимоий ва меҳнат активлиги ўсишига, уларнинг ҳар бирида коммунизм бинокорининг энг яхши фазилатлари камол топишига энг кўп даражада ёрдам беришни ўзларининг ғоят муҳим бурчи деб биладилар. Биз меҳнаткашларнинг синфий онгини тинимсиз ривожлантириб, уларни СССР халқлари қардошларча дўстлиги, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, Ватанни ҳимоя килишга тайёрлик руҳида тарбиялайверамиз. Биз ҳар бир меҳнат коллективида соғлом социал-психологик, маънавий иклимни, кишиларнинг қобилиятлари ташаббуси ва ижодий имкониятлари жуда тўлиқ намоён бўладиган муҳитни вужудга келтириш тўғрисида доимо жон куйдираверамиз.

Бизнинг касаба союзларимиз СССР Конституциясида, совет қонунларида бериб қўйилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланиб, ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқаришга меҳнаткашларни янада активроқ жалб этадилар. Шу мақсадда биз бундан буён ҳам ишчи йиғилишларининг, доимо ишлайдиган ишлаб чиқариш кенгашлари ва социалистик демократия бошқа формаларининг роли ҳамда аҳамиятини ошираверамиз, халк депутатлари Советлари, комсомол, халк контроли органлари билан баҳамжиҳат ҳаракатни кучайтираверамиз.

Леонид Ильич, биз касаба союз ташкилотларининг ишини бугунги кун талабларига муносиб тезроқ кайта қуриш зарурлиги тўғрисида, касаба союз органларининг омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳакида берган кўрсатмаларингиздан конкрет амалий хулосалар чиқарамиз. Биз касаба союз ташкилотлари фаолиятининг услуб ва методларини тинимсиз такомиллаштираверамиз, касаба союз ходимлари ва активлари доимо одамлар орасида бўлишига, уларнинг талабларига дарҳол жавоб қайтаришларига, оммaнинг чинакам ташкилотчилари бўлишларига эришаверамиз.

СССР касаба союзлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинчликсевар ташки сиёсий йўли изчиллик билан амалга оширилишига бутун чоралар билан кўмаклашишни, XXVI съезд 80-йилларга мўлжаллаб ишлаб чиққан Тинчлик программасини рўёбга чиқариш учун актив курашишни ўзларининг биринчи даражали бурчи деб ҳисоблайдилар. Биз уруш хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш манфаатларини кўзлаб, меҳнат аҳлининг бахт-саодатини кўзлаб бундан буён ҳам барча мамлакатлардаги касаба союз ва ишчилар ҳаракати билан бирликни тинимсиз мустаҳкамлайверамиз, империализмга карши курашчиларнинг биринчи сафларида бўлиб, пролетар синфий бирдамлиги байроғини баланд кўтариб бораверамиз.

Касаба союзлари съезди Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида олға сурилган ва бизнинг тинчликни каттиқ туриб ҳимоя килиб колишдан иборат муштарак ҳоҳиш-иродамизни ифода этаётган янги тинчлик ташаббусларини мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари номидан тўла-тўкис маъқуллайди ва астойдил кўллаб-кувватлайди. Биз тинчлик ва халқаро хавфсизлик йўлидаги олижаноб кураш соҳасида ҳормай-толмай самарали иш олиб бораётганликлари учун КПСС Марказий Комитетидан, унинг Сиёсий бюросидан шахсан Ўртоқ Леонид Ильич Брежневдан ғоят миннатдормиз.

Съезд Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Жаҳон касаба союзлари федерациясининг олтин медали билан мукофотланганлиги туфайли уни совет касаба союзлари, барча совет кишилари номидан қизғин ва самимий муборакбод этади. Азиз Леонид Ильич, Сизга сиҳат-саломатлик, совет халқи бахт-саодати, бутун инсониятнинг тинчлиги ва социал тараққиёти манфаатлари йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашингизни тилаймиз.

Совет касаба союзлари коммунистик идеалларга ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар, партия билан бирга Ленин йўлидан муттасил олға бораверадилар, деб жонажон партиямизга ваъда берамиз.

Улуғ совет халқига — коммунизм бинокори, Ер юзидаги барча меҳнат аҳлининг тинчлиги ва бахт-саодати йўлида мард курашчига шон-шарафлар!

Улуғ Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари олға!

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XVII СЪЕЗДИ.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XVII СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

СССР касаба союзларининг XVII съезди 19 март кўни ўз ишини давом эттирди.

Бевосита меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва тарбиявий иш савиясини ошириш — Арманистон касаба союз ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир, деди республика касаба союзлари Советининг раиси **Л. Г. Саакян.** Интизомни мустаҳкамлаш, барқарор ишлаб чиқариш коллективларини вужудга келтириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, зарур социал-маиший шароитларни таъминлаш масалалари, деб таъкидлади у, энг муҳим ишлаб чиқариш топшириқлари каби зўр масъулият билан ҳал этилиши лозим.

Нотиқ Арманистон ССР делегацияси номидан ВЦСПС нинг ҳисобот давридаги фаолиятини маъқуллаш тўғрисида бошқа нотиқлар айтган таклифларни қўллаб-қувватлади.

Химия ва нефть химияси саноати ишчилари касаба союзлари Пермь область комитетининг раиси **П. Л. Ковалев** ўз нутқини беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий активлигини оширишнинг асосий йўналишларига бағишлади. У мазкур ишда социалистик мусобақанинг муҳим ролини таъкидлаб, тармоқ корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ишчидан тортиб меҳнат коллективигача бўлган ҳамма поғоналарида мажбуриятларни жамоатчилик ўртасида ёқлаш жорий этилганини уқтириб ўтди. Ғолибларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш системаси доимо такомиллаштирилмоқда. Делегат касаба союз ташкилотларининг иш кобилиятидан вақтинча маҳрум бўлиш даражасини камайтириш, меҳнатчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ссҳасидаги берган нотиқ техникани эҳтиёт қилиб сақлаш учун мусобақа ташкил этиш тажрибасини ўртоқлашди. Шу мусобақа туфайли бригада конвейерлар билан комбайнларнинг хизмат муддатини уч ҳисса узайтирди. Машиналарнинг конструкциясига ҳам кўп нарса боғлиқ. Делегат кончилик саноатида: конструкциялаш — машина—шахта— ишчи эстафетаси принципи асосида мусобақа ташкил этишни таклиф қилди.

(Давоми иккинчи бетда)

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИДА

ТОШКЕНТ. Алишер Навоий номли Ўзбекистон давлат кутубхонасида «Леонид Ильич Брежнев китоблари жаҳон халқлари тилларида» виставкаси очилди. Бу ерда турли мамлакатларда босиб чиқарилган ва четэллардаги юзта нашриётдан Тошкент кутубхонасига юборилган «Кичик ер», «Тиклариш», «Қўриқ», «Эсдаликлар» китоблари қўйилган.

Мюнхенда нашр этилган «Кичик ер» асарига сўзбошидан олинган қуйидаги сўзлар виставка эпиграфи бўлди: «Л. И. Брежневнинг тинчлик тўғрисидаги таклифларини рад этадиган соғлом фикрли кишини ер юзида учратмайсиз». (ЎзТАГ).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе бошчилигидаги КПСС делегацияси Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг таклифига биноан Ҳиндистон Компартияси XII съезди ишида қатнашмоқ учун 20 март куни Москвадан Ҳиндистонга жўнаб кетди. КПСС делегацияси составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Астрахань область партия комитетининг биринчи секретари Л. А. Бородин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Владимир Ильич номидаги Москва электромеханика заводининг токари В. П. Тихомиров, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими секторининг мудири П. В. Купобин ҳам бор.

Внуково аэродромида КПСС делегациясини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОНГА БОРА ТУРИБ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе бошчилигидаги КПСС делегацияси Ҳиндистон Компартияси XII съездида қатнашиш учун Деҳлига бора туриб 20 март куни Тошкентда тўхтади.

Тошкент аэропортида Э. А. Шеварднадзени ва делегациянинг бошқа аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

КАДРЛАР ЎҚУВИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини ошириш институтида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари маъмурий органлар бўлимлари мудирларининг машғулотлари тугади. Бир ой давомида улар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари ва нутқлари асосида коммунистик қурилиш назарияси ва практикасининг, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг, партия ташкилотчилик ва идеология ишининг актуал масалаларини ўргандилар.

Ўқиш даврида партиянинг иқтисодий стратегияси, совет сиёсий системасини ривожлантириш, социалистик демократияни чуқурлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш, маъмурий органларнинг иш савиясини ошириш проблемаларига муҳим ўрин берилди.

Машғулотларда меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни кучайтириш, маъмурий органларнинг, меҳнат коллективларининг ижтимоий тартибни ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларига қарши курашдаги ролини ошириш соҳасида маҳаллий партия ташкилотлари ортиргган тажриба ёритиб берилди.

КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия комитетлари маъмурий органлар бўлимларининг фаолияти, социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашни таъминлаш, ҳозирги шароитда мудофаа-оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик ишини яхшилаш услуби ва методларини такомиллаштириш хусусида батафсил фикрлашиб олинди. Тингловчилар Москва шаҳри ва областидаги бир қанча партия ташкилотлари ҳамда маъмурий органларнинг иш тажрибаси билан танишдилар.

ЗУЛФИЯ

Ўзбекистон ССР халқ шоири

БАҲОР КЕЛДИ

Синди қиш тўқиган муз ҳисли қафас,
Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди,
Она нигоҳидай мулойим нафас
Замину осмонни бағрига олди,
Демак, баҳор келди.

Бу нафасдан ерда кексаю ёшнинг
Одим, чеҳрасида, эзгу рўшнолик,
Дов-дарахт қияжак зилол либосинг
Зилол барин тутиб югурар шодлик,
Демак, баҳор келди.

Келар деб шу сийқа қадим йўл билан
Эзгу интиқликда кўпчибди тошлар,
Ел такрор, бетакрор илиқ қўл билан
Сочмоқда дилларга ишқдан қуёшлар,
Демак, баҳор келди.

Саховат момоси тоғнинг кўксидан
Кўпириб, айқириб сути тўкилмиш,
Заррaси сочилган музлар устида
Шошқалоқ гунчалар чоки сўкилмиш,
Демак, баҳор келди.

Ҳамиша неъматга ҳомила тупроқ
Тўлишган таниин солмиш офтобга,
Деҳқон қулоғига таниш қўнғироқ:
Жарангдор куртаклар етибди тобга,
Демак, баҳор келди.

Яна бедор, маъсум тун оғушида,
Одимлайди сирлар, ширин шивирлар,
Бетобе шаббода нур ҳовучида
Юлдуздай сепмакда жоду сеҳрлар,
Демак, баҳор келди.

Келди баҳор! Кетар ташлаб уйғониш,
Бутун қуррамизга битта баҳор у!
Одилми, қотилми — ҳар жонга таниш,
Меҳр-маъбудаси наврўз-наҳор бу,
Ахир, баҳор келди.

Бу кун йўлларида олов кўп, зор кўп,
Жаҳонда қанча жон чиқмайди пешвоз.
Деҳқон уруғ сочсин, ўқ сочмасин тўп,
Қувғин эллар қушдай юртга қайтсин боз
Ахир, баҳор келди.

На масъуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар!
Давлатлар!
Илтижо, фармон, нсён бу:
Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,
Баҳор боқий келсин!

Аянч тақдирларга элтсин таянчлар,
Бахтлига ишонч у, бахтсизга толе,
Абад қонунидир элтмоқ севинчлар,
Қабоҳат, ҳунрезлик бўлмасин монеъ,
Баҳор боқий келсин!

Ўқ ортган кемалар денгизга ботиб,
Чирнсин!
Тин олсин эллар, оламлар,
Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар,
Ахир, баҳор келди.

МИНИСТР ЖЎНАБ КЕТДИ

Мамлакатимизга визит билан келган Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек 20 март куни Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Аэропортда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИЛАР

ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, «Нойес дойчланд» газетасининг бош редактори Гюнтер Шабовски бошчилигидаги Германия Бирлашган социалистик партияси делегацияси ва Германия Компартияси правлениесининг аъзоси Ганнес Штюц бошчилигидаги Германия Коммунистик партияси делегацияси Деҳлига — ХКП — Ҳиндистон Коммунистик партияси XII съездига бораётиб, Тошкентда тўхтаб ўтдилар.

20 март куни ГБСП ва Германия Компартияси делегациялари Тошкентдан жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Газли ноёб газ конини ўзлаштириш ва уни ишлатишда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганликлари, республика газ саноатини қарор топтириш ва ривожлантиришга катта шахсий ҳисса қўшганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан: Ленин орденли «Газлинефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Шоҳпахта газ қазиб чиқарувчи оператив ишлаб чиқариш хизматининг бошлиғи Анатолий Дмитриевич **Евсеев** ва «Ўзбекбургаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси Бухоро пармалаш ишлари бошқармасининг техника хавфсизлиги бўйича бош инженернинг ўринбосари Халит Харисович **Шакиров** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»**; халқ депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Андрей Николаевич **Ананишев** ва «Газлинефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси компрессор станциясининг машинисти Орзикул **Ешиев** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган саноат ходими»** фахрий унвонлари берилди.

Ленин орденли «Газлинефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

(Боши биринчи бетда).

Тожикистон касаба союзлари республика Советининг раиси **А. Ҳайдаров** «Ишчи эстафетаси» принципи асосидаги мусобақа Норак ГЭСи қурилишида юзага келганини эслатиб ўтди. Республика касаба союз ташкилотлари мусобақанинг мана шу янги формасини янада ривожлантириш учун кўп иш қилдилар.

Ғарбий Сибирь районларидан энергетика хом ашёси ташиладиган магистрал газ қувурларини қурувчи турдош касб эгаларининг социалистик мусобақасини уюштириш халқ хўжалигининг мана шу энг муҳим объектларини қуриш муддатларини анча қисқартириш имконини берди. Нефть ва газ саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси **В. Т. Седенко** шу ҳақда гапирди.

Съездни Афғонистон касаба союзлари Марказий Кенгашининг раиси **Абдулсаттор Пурдели**, Ангола меҳнаткашлари Миллий бирлашмасининг бош секретари **Пашкоал Лувуалу**, Финляндия касаба союзлари Марказий ташкилотининг раиси **Пертти Виннанен**, Халқаро меҳнат бюроси департаментининг директори **Хосе Агирьяно**, Сальвадор Бирлашган касаба союз федерациясининг секретари **Карлос Санчес**, Жанубий Африка касаба союзлари конгресси ишчи комитетининг аъзоси **Ноханнес Мкванази**, Халқ Кипр меҳнат федерациясининг бош секретари **Андреас Зиардитис**, Никарагуа қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари уюшмаси бош секретарининг ўринбосари **Херман Бенавидес Карильо**, Яман Халқ Демократик Республикаси Ишчи касаба союзлари Умумий конфедерациясининг бош секретари **Султон ад-Душ**, Япония касаба союзлари Бош кенгаши халқаро бўлимининг мудири **Такэхиро Эбитани**, Фаластин касаба союзлари федерацияси Бош секретарининг ўринбосари **Фаҳми эль-Ҳинди**, Перу меҳнаткашлари умумий конфедерациясининг раиси **Исидоро Гамарра**, Кампучия касаба союзлари федерацияси Марказий Комитети раисининг муовини **Хенг Теав**, Умумэфиопия касаба союзининг раиси **Мулугета Иймер**, Гвинея меҳнаткашлари Миллий конфедерациясининг бош секретари **Секу Магассуба**, Греция Умумий меҳнат конфедерацияси раиси **Орестис Хаживасилиу**, Британия тред-юнионлари конгресси бош кенгашининг аъзоси, машинасозлар бирлашган касаба союзи маъмурий-техник ходимлари секциясининг бош секретари **Кен Гилл**, Нигерия меҳнат конгресси раиси **Суимону Хассан Адебайо** съездни табрикладилар.

20 мартда СССР касаба союзларининг XVII съезди ўз ишини давом эттирди.

* * *

Совет касаба союзлари демократияни ривожлантиришнинг, коммунизм қурилишига меҳнаткашларни жалб этишнинг қудратли воситасидир. СССР касаба союзларининг Москвада беш кун давом этган XVII съезди буни яққол намойиш этди. Мамлакат ҳаётидаги бу муҳим воқеа совет кишиларининг коммунистлар ленинчи партияси атрофидаги мустаҳкам жипслигини, энг оммавий жамоат ташкилотимизнинг СССР XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига қўшилган ўз ҳиссасини кўпайтиришга бўлган азму қарорини яна бир марта тасдиқлади.

20 март съезднинг якунловчи иш кунида делегатлар ва меҳмонлар **Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Эрталабки мажлисда ВЦСПС ва касаба союзлар Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи ҳам тасдиқланди.

Съездга тайёргарлик даврида ва у иш кўрган кунлар давомида ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, меҳнат ветеранлари, пенсионерлардан минглаб хатлар олинди. Уларда мамлакатимиз меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежнев фаолиятини юксак баҳолайдилар. Улар меҳнат аҳли тўғрисида, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматга чуқур миннатдорчилик изҳор қиладилар ва КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга ваъда берадилар.

С. А. Шалаев ВЦСПС ҳисоботини муҳокама қилиш якунлари юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

— Биз шуни тўла асос билан айта оламизки, деди у, СССР касаба союзларининг XVII съезди юксак сиёсий савияда, амалий ижодий вазиятда ўтмоқда. Ҳисобот доклади муҳокамасининг бутун бориши, делегатларнинг барча нутқлари КПСС XXVI съезди қарорларида, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур мазмунли ёрқин нутқида, КПСС Марказий Комитетининг съездимизга йўллаган табрикномасида, ВЦСПСнинг ҳисобот докладида ўртага қўйилган вазифалар бизнинг диққат марказимизда бўлганлигидан ёрқин далолат беради.

Илғор ишчилар ва колхозчилар, фан ва маданият арбоблари, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, мамлакат халқ хўжалиги барча тармоқларининг вакиллари съезд минбаридан туриб ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Уларнинг нутқлари ҳисобот доклад мазмунини беқиёс даражада бойитди, уни касаба союз ташкилотларининг амалий ишларидан олинган кўпгина конкрет мисоллар билан тўлдирди.

Нотиқ ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг вакиллари жонажон Коммунистик партиямиз XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш йўлида меҳнат қилаётган, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳозирлик кўраётган совет кишиларининг жўшқин меҳнат ва ижодий активлигини мана шу ажойиб сафарда намоён этганлик бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққан ўртоқлар эришилган ютуқлар тўғрисида гапириб бериш билангина чекланиб қолмай, балки амалий ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар тажрибаси асосида, мавжуд резервларни ҳисобга олган ҳолда кўплаб қизиқарли таклифларни киритдилар, бу билан касаба союзларининг бундан бўёнги фаолият программасини тўлдирдилар.

С. А. Шалаев сўзга чиққан барча делегатларга съезд ишига ижодий ҳисса қўшганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор қилди. Улар киритган ҳар бир таклиф ёки истаки, деди пировардида С. А. Шалаев, ҳар бир таниқлий мулоҳазани совет касаба союзларининг съездда сайланадиган раҳбар органлари гоят диққат эътибор билан кўриб чиқишлари зарур.

Съезд Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг ҳисобот давридаги ишини якдиллик билан маъқуллади.

Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи ҳам тасдиқланди.

Съездга тайёргарлик даврида ва у иш кўрган кунлар давомида ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, меҳнат ветеранлари, пенсионерлардан минглаб хатлар олинди. Уларда мамлакатимиз меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежнев фаолиятини юксак баҳолайдилар. Улар меҳнат аҳли тўғрисида, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматга чуқур миннатдорчилик изҳор қиладилар ва КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга ваъда берадилар.

Съезд ишини таъкидладики, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, фаровонликни муттасил ошириш тўғрисидаги ғамхўрлик касаба союзларининг ижтимоий ва вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, улар фаолиятининг бутун мазмунини белгилаб беради.

Касаба союзлари ўз қучларини социалистик иқтисодиётнинг юксалтиришга қаратиб ҳозирги шароитларда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва меҳнаткашларни тарбиялаш соҳасида сифат жиҳатдан янги роль ўйнаши лозим бўлган социалистик мусобақани ташкил этиш даражаси ва таъсирчанлигини сабот билан оширишлари керак. ВЦСПСга, касаба союз Советлари ва комитетларига ҳар бир меҳнат коллективида тиғиз мушкул планларни ишлаб чиқиб қабул қилишни таъминлаш, илғор коллективларнинг тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш тавсия этилди.

Комплекс озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, дейилади резолюцияда, ВЦСПСнинг, касаба союз Советлари ва комитетларининг биринчи навбатдаги вазифаларидандир.

Съезд Ўртоқ Л. И. Брежневнинг меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш бригада формаси шу беш йилликда жуда кенг қўламда оммалаштирилиши тўғрисидаги кўрсатмаларидан жиддий амалий хулосалар чиқариб олишни барча касаба союз органларидан ва касаба союз ташкилотларидан талаб қилди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги шартлари ва системаларини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бериш, қонунларга риоя этилиши устидан назорат ва контролликни амалга оширишда меҳнатнинг ҳуқуқий инспекцияси ролини муттасил кучайтириш зарур, деб таъкидланади резолюцияда.

Касаба союзлари КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни активлаштиришлари, ишчилар ва хизматчиларнинг ижодий ташаббускорлигини планларни ҳамда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга йўналтиришлари зарур.

1982—1987 йилларда касаба союз аъзолик билетларини алмаштиришга қарор қилинди.

Халқаро фаолият соҳасида съезд ВЦСПСга, касаба союзларининг Марказий Комитетлари ва Советларига уруш хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш учун, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг кенг ҳамкорлиги учун курашда барча мамлакатлар меҳнаткашлари ва касаба союзларининг ҳаракат бирлигини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ривожлантириш йўлида курашаверишни топширди.

Съезд совет касаба союзлари коммунистлар ленинчи партияси тевараги да ўз сафларини яна ҳам маҳкамроқ жипслаштирадилар, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда яна ҳам кўпроқ фидокорлик ва сабот-матонат кўрсатадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда берди.

СССР касаба союзларининг Уставига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

СССР касаба союзлари XVII съездининг якунловчи мажлисида совет касаба союзларининг раҳбар органларига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот тингланди.

Съезд аҳли СССР касаба союзлари XVII съездининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга йўллаган табрикномасини баланд руҳ билан қабул қилди.

Сўнгра ВЦСПС раиси С. А. Шалаев сўзга чиқди.

Съезд деди у, мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий сиёсий воқеа бўлиб чет элларда кенг эътиборни ўзига жалб этди.

Ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг 130 миллион кишилик армияси вакиллари, совет меҳнаткашларининг энг оммавий ташкилоти вакиллари қатнашаётган СССР касаба союзларининг съезди Коммунистик партия XXVI съезди қарорларидан келиб чиқиб эришилган муваффақиятларни батафсил таҳлил қилиш асосида ўзининг бундан буёнги ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари программасини, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг партия белгилаб берган улуғвор режаларини амалга оширишда бевосита актив иштирок этиш формаларини белгилаб олди.

Визлар, съезд делегатлари ва меҳмонлар ана шу кунларда совет касаба союзлари, бутун мамлакатимиз ҳаётидаги шунингдек халқаро ҳаётдаги гоят муҳим сиёсий воқеага даҳлдор эканлигимизда гоят ҳаяжонланмоқдамиз ва илҳомланмоқдамиз. Съездимизда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлаганлиги шундай муҳим воқеа бўлди. Съезднинг бутун иши Ўртоқ Л. И. Брежнев совет касаба союзлари олдига қўйган янги гоят муҳим вазифаларнинг жуда катта таъсири остида ўтди.

Съездда сўзга чиққан барча ўртоқлар каби мен ҳам Леонид Ильич Брежневнинг меҳнат аҳли тўғрисида, касаба союзларимиз ҳақида оталарча зўр ғамхўрлигини, унинг берган маслаҳатларининг мазмунорлигини ва донолигини, ҳайриҳоҳлиги ва самимийлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни истардим.

Буларнинг ҳаммаси учун биз азиз Леонид Ильичдан миннатдормиз. Шу залдан туриб, мамлакатимиз барча меҳнаткашлари номидан унга ўзимизнинг чуқур ҳурматэҳтиром ва миннатдорчилигимизни яна бир карра изҳор этамиз.

ВЦСПС раиси съезд номидан, касаба союзларининг кўп миллион кишилик аъзолари номидан ҳар бир касаба союз ташкилоти партия кўрсатмаларини амалий ишларга татбиқ этиб, гоят конкрет ва ишчанлик вазиятида иш кўради, экономикани ривожлантиришнинг туб масалаларини муваффақиятли ҳал этишга эришади, ҳар бир ишчининг меҳнат ва турмуш шароити, унинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, фаровонлиги ва маданиятини ошириш тўғрисида ғамхўрликни жамоат ишлаб чиқаришнинг ўстириш тўғрисидаги ғамхўрлик билан бирга қўшиб олиб боради, деб КПСС Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга ваъда берди.

Партия меҳнаткашларнинг актив ҳаётий позицияда туриш, партия ишига, коммунистик идеалларга, совет ватанпарварлиги, ўз ватанини ҳимоя қилиш учун тайёр туришга садоқат руҳида тарбиялаш касаба союзларининг энг муҳим иши эканлигини кўрсатиб берди.

ВЦСПС раиси совет касаба союзлари бу фахрли топшириқни шараф билан бажариш учун куч ва меҳнатини аямайдилар, деб КПСС Марказий Комитетига ваъда берди.

Л. И. Брежнев съездда сўзлаган нутқида партия ва халқ номидан совет касаба союзларининг халқаро фаолиятига юксак баҳо берди, бизга, чет эллик дўстларимизга кўп миллионли меҳнаткашлар учун муҳим бўлган бундай ишда муваффақиятлар тилади.

Визлар, деди нотиқ, Ўртоқ Л. И. Брежнев айнан СССР касаба союзларининг XVII съезди минбаридан термоядро уруши хавфининг олдини олишга, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган янги гоят муҳим таклифларни ўртага қўйганлиги тарихий фактидан гоят тўлқинландик ва фахрландик.

ВЦСПС раиси совет касаба союзлари бундан буён ҳам пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб боради, барча қитъалардаги меҳнаткашлар билан қардошлик алоқаларини ривожлантираверади ва чуқурлаштираверади, қуролланиш пойгасини жиловлаш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун курашда халқаро касаба союз ҳаракати бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлайверади, деб съезд номидан ваъда берди.

Биз ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган Совет Иттифоқининг изчил ва принципиал ташқи сиёсий йўлини СССРнинг халқаро кескинликни ва уруш хавфини юмшатишга эришишга бўлган азму қарорини, ўртага қўйилган янги тинчлик таклифларини съездимизда сўзга чиққан чет эллик меҳмонлар — жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ишчилар синфининг вакиллари қизғин қўллаб-қувватлаганлигини зўр қониқиш билан таъкидлаймиз.

Нотиқ буларнинг СССР меҳнаткашларига ва касаба союзларига нисбатан қардошларча дўстлик туйғуларини изҳор этганликлари, съезд ишида қатнашганликлари учун уларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев съездда сўзлаган нутқида шундай деди: «Мамлакатимиз партияси, давлати, касаба союзлари ҳар бири ўз ролини бажариб, аҳиллик билан баҳамжиҳат ишлаб келмоқда. Мана шу баҳамжиҳатлик, мана шу бирлик — коммунизм иши муваффақиятларининг гаровидир. Шу бирликка ҳеч ким раҳна сола олмайди!».

СССР касаба союзлари XVII съезди номидан, совет касаба союзларининг кўп миллионли барча аъзолари номидан, деди у, биз учун муқаддас бўлган бу сўзларни такрорлашга ижозат бергайсиз: «Шу бирликка ҳеч ким раҳна сола олмайди!».

Визлар бир неча кундан кейин ўз меҳнат коллективларимизга, кундалик ишларимизга қайтамиз. Вироқ совет касаба союзлари съезднинг делегати деган юксак мандат ўз кучини йўқотмайди. Унинг таъсир мудати съезд иш кўрган вақт билан чекланмайди. Бу мандат ҳар биримизни фахрли ва масъулиятли вазифани бажариш: съезд қарорларини барча ўртоқларимизга етказиш, ана шу қарорларни амалга ошириш, конкрет амалий ишларга сўзсиз киришиш вазифасини юклайди. Чунки Л. И. Брежнев қисқа ва аниқ-равшан қилиб айтганидек: «Имиллашга вақтимиз йўқ. Меҳнат қилиш керак, ишни бажариш керак».

С. А. Шалаев съезд делегатлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш учун, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун ҳужмкор меҳнат армиясининг олдинги сафларида борадилар, деб қатъий ишонч билдирди.

СССР касаба союзларининг XVII съезди «ёпиқ деб эълон қилинади. Зал гумбазлари остида «Интернационал» янграйди.

(ТАСС).

ВЦСПС ПЛЕНУМИ

20 март куни СССР касаба союзлари XVII съездида сайланган Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум С. А. Шалаевни ВЦСПС раиси, В. И. Прохоровни ранс ўринбосари ва Президиум аъзоси қилиб сайлади.

А. П. Бирюкова, В. Ф. Богатиков, А. В. Викторов, И. И. Гладкий, Л. А. Земляникова, С. В. Козлов, К. Ю. Мацкявичюс, В. П. Провоторов, А. М. Субботин, А. П. Ушаков ВЦСПС секретарлари ва Президиум аъзолари этиб сайландилар.

Президиум аъзолари — Б. С. Андреев, С. Н. Заиченко, В. Т. Иванов, А. Ю. Ишлинский, Н. И. Ковалев, Л. П. Кравченко, И. И. Костюков, И. А. Ланшин, В. И. Ланшин, Н. М. Маҳмудова, Т. И. Мосашвили, Л. В. Петров, Н. Н. Полозов, А. И. Петровичева, В. Н. Плетнева, В. С. Парфенов, И. Я. Прокофьев, А. Я. Рибаков, Р. И. Секачева, В. А. Сологуб, Г. П. Сорокина, К. Т. Турисов, Д. Н. Филиппов, А. П. Шелягина, И. Ф. Шкуратов.

х х х

Марказий ревизия комиссияси ўз мажлисида Л. А. Кубякни комиссия раиси қилиб сайлади. (ТАСС).

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ БАХТ-САОДАТИНИ КЎЗЛАБ, ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзларининг XVII съездидаги нутқини ўрганишга доир

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида сўзлаган нутқи мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга бутун дунёда ҳам зўр қизиқиш уйғотди. Бу нутқда КПССнинг коммунистик қурилиш иши учун совет касаба союзларининг ҳуқуқларини янада кенгайтиришдан ва масъулиятини оширишдан иборат йўли ёрқин ифодасини топди, ракета-ядро урушининг олдини олишга қаратилган янги муҳим таклифлар таърифлаб берилган.

Партия ташкилотлари партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасида, пропагандининг оммавий формаларида мазкур ҳужжатни ўрганиш ва тушунтириш ишларини кенг авж олдириб ўтмоқдалар. Бирликкита махсус машғулотлар ўтказилмоқда.

Пропагандистларга, ягона сиёсий кунларнинг ташкилотчиларига, лекторларга, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга ёрдам тарқасида машғулотларнинг намунавий планлари ва лекциялар, докладлар, суҳбатларнинг тематикаси эълон қилинмоқда.

МАШҒУЛОТЛАР ПЛАНИ

1. Л. И. Брежневнинг касаба союзлари съездида сўзлаган нутқи — КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашнинг илҳомбахш программаси. Л. И. Брежнев социалистик жамиятнинг сиёсий системасида касаба союзларининг ўрни ҳақида. Социализм шароитларида касаба союз ҳаракатининг ленинча концепцияси. Касаба союзлари — бошқариш мактаби, ҳўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби.

Касаба союз ташкилотларининг иши бугунги кун талабларига мувофиқ тезроқ, зўр ғайрат билан қайта ташкил этилсин. Янги иқтисодий ва социал проблемалар билан дадилроқ шуғулланиш, социалистик демократияни ривожлантиришда ва меҳнаткашларни тарбиялашда иштирок этиш, илм-фан маълумотларига кенгроқ таянниш, ўз активининг малакасини муттасил ошириш — касаба союзларининг вазифасидир. Билимдонлик, янги ликни жуда ўткир ҳис этиш, омма билан гоят чамбарчас боғлиқ бўлиш, кишиларга эътибор бериш, инсон қалбини билиш — мана шулар замонамизнинг касаба союз ходимига хос фазилатлар бўлиши керак.

Партиянинг раҳбарлик роли — касаба союзлар таъсирини ўстириш, уларнинг обрўсини ошириш, омма билан алоқаларни мустаҳкамлаш негизи. КПССнинг совет касаба союзларига тўла ишончи, уларнинг ташкилий мустақиллигини ҳурмат қилиши. Партия, давлатнинг, касаба союзларининг баҳамжиҳат, аҳил иши, уларнинг ҳаракат бирлиги — коммунизм иши муваффақиятларининг гаровидир. Шу бирликка ҳеч ким раҳна сола олмайди!».

СССР касаба союзлари XVII съезди номидан, совет касаба союзларининг кўп миллионли барча аъзолари номидан, деди у, биз учун муқаддас бўлган бу сўзларни такрорлашга ижозат бергайсиз: «Шу бирликка ҳеч ким раҳна сола олмайди!».

Визлар бир неча кундан кейин ўз меҳнат коллективларимизга, кундалик ишларимизга қайтамиз. Вироқ совет касаба союзлари съезднинг делегати деган юксак мандат ўз кучини йўқотмайди. Унинг таъсир мудати съезд иш кўрган вақт билан чекланмайди. Бу мандат ҳар биримизни фахрли ва масъулиятли вазифани бажариш: съезд қарорларини барча ўртоқларимизга етказиш, ана шу қарорларни амалга ошириш, конкрет амалий ишларга сўзсиз киришиш вазифасини юклайди. Чунки Л. И. Брежнев қисқа ва аниқ-равшан қилиб айтганидек: «Имиллашга вақтимиз йўқ. Меҳнат қилиш керак, ишни бажариш керак».

С. А. Шалаев съезд делегатлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш учун, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун ҳужмкор меҳнат армиясининг олдинги сафларида борадилар, деб қатъий ишонч билдирди.

СССР касаба союзларининг XVII съезди «ёпиқ деб эълон қилинади. Зал гумбазлари остида «Интернационал» янграйди.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 20 март куни Ҳиндистондан Москвага қайтиб келди. Д. Ф. Устинов шу мамлакат ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан у ерга борган эди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, Куролли Кучлар Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев, СССР Давлат хавфсизлик комитети раисининг биринчи ўринбосари армия генерали Г. К. Цинев, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Урток Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида сўзлаган нутки мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга бутун дунёда хам зўр кизикиш уйготди. Бу нуткда КПССнинг коммунистик курилиш иши учун совет касаба союзларининг хукукларини янада кенгайтиришдан ва масъулиятини оширишдан иборат йули ёркин ифодасини топди, ракета-ядро урушининг олдини олишга каратилган янги мухим таклифлар таърифлаб берилган.

Партия ташкилотлари партия укуви ва иктисодий таълим системасида, пропагандининг оммавий формаларида мазкур хужжатни ўрганиш ва тушунтириш ишларини кенг авж олдириб юборадилар. Бирикки та махсус машгулотлар ўтказилмокда.

Пропагандистларга, ягона сиёсий кунларнинг ташкилотчиларига, лекторларга, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга ёрдам тарикасида машгулотларнинг намунавий планлари ва лекциялар, докладлар, сухбатларнинг тематикаси эълон килинмокда.

МАШҒУЛОТЛАР ПЛАНИ

1. Л. И. Брежневнинг касаба союзлари съездида сўзлаган нутки — КПСС XXVI съезди карорларини муваффакиятли бажариш учун курашнинг илхомбахш программаси. Л. И. Брежнев социалистик жамиятнинг сиёсий системасида касаба союзларининг ўрни хакида. Социализм шароитларида касаба союз харакатининг ленинча концепцияси. Касаба союзлари — бошкариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби.

Касаба союз ташкилотларининг иши бугунги кун талабларига мувофик тезрок, зўр гайрат билан кайта ташкил этилсин. Янги иктисодий ва социал проблемалар билан дадилрок шугулланиш, социалистик демократияни ривожлантиришда ва меҳнаткашларни тарбиялашда иштирок этиш, илм-фан маълумотларига кенгрок таянниш, ўз активининг малакасини муттасил ошириш — касаба союзларининг вазифасидир. Билимдонлик, янги ликни жуда ўткир хис этиш, омма билан гоят чамбарчас боглик бўлиш, кишиларга эътибор бериш, инсон калбини билиш — мана шулар замонамизнинг касаба союз ходимига хос фазилатлар бўлиши керак.

Пэртиянинг раҳбарлик роли — касаба союзлар таъсирини ўстириш, уларнинг обрўсини ошириш, омма билан алокаларни мустахкамлаш негизи. КПССнинг совет касаба союзларига тўла ишончи, уларнинг ташкилий мустакиллигини хурмат килиши. Партия, давлатнинг, касаба союзларининг бахамжихат, ахил иши, уларнинг харакат бирлиги — коммунизм иши муваффакиятларининг гаровидир.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш — касаба союзларининг диққат-марказида бўлсин. Экономикани интенсив ўстириш йўлига ўтказиш, уни ҳақиқатан ҳам тежамли қилиш — давлат органларининг ҳам, хўжалик аппаратининг ҳам, касаба союзларининг ҳам муштарак мақсадидир. Ҳар бир кишининг қалбига йўл топа билиш, партиянинг иқтисодий сиёсати талабларини унга яқин ва тушунарли қилиш айни шу сиёсат уларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушишини ва ўзининг ташаббуси, ижодий изланиши билан бу сиёсатнинг тўла муваффақият қозонишига кўмаклашиш ҳар бир кишининг бурчи эканлигини яққол кўрсатиш — ўн биринчи беш йилликда касаба союзларининг гоят муҳим вазифасидир.

Фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қатъий тежаб-тергаш режимини таъминлаш, интизомни мустаҳкамлаш сохасида ҳар бир касаба союз ташкилотининг фаолиятида кўпроқ конкретлилик ва ишчанлик бўлсин. Пешқадам кашшофлар ва илғор корхоналар кетидан умумий юриш авж олдирилсин, ҳужмкор меҳнат армиясининг бутун фронти етказиб олинсин. Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишда касаба союзларининг иштироки.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги бригада формалари актив жорий этилсин, хўжалик механизми такомиллаштирилсин, ишчи ўринбосарларини тарбиялаш ва ўқитиш яхшилансин. Меҳнаткашларнинг ижодий активлигини кучайтиришда, юксак пировард натижаларга эришишда ишчи йиғилишларининг, доимий ишловчи ишлаб чиқариш кенгашларининг, муқобил планларнинг, новаторлар харакатининг роли бутун чоралар билан оширилсин. СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин.

Меҳнат аҳли тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин. Социал масалаларни ҳал этиш, совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш учун касаба союзларининг масъулияти. Меҳнаткашларнинг манфаатлари изчиллик билан ҳимоя қилинсин, ҳуқуқ нормаларидан, меҳнат қонунларидан ҳар қандай чекинишларга қарши, бюрократизм, кибрланиш ва лоқайдлик кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб борилсин. Ишлаб чиқаришда қулай муҳитни, соғлом социал-психологик, маънавий иқлимни вужудга келтириш тўғрисида жонкуярлик қилинсин. Кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ соҳаларда ишчи контроли таъсирчанлигини ошириш — гоят катта сиёсий аҳамиятга молик ва чуқур демократик мазмунга эга бўлган вазифадир.

2. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг янги таклифлари — уруш хавфини тугатиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш борасида Совет Иттифоқи куч-ғайратларининг ёркин ифодасидир. Халқаро муносабатларнинг ривожидаги икки йўл, икки қарама-қарши тенденция. АҚШ бошчилигидаги НАТО блокининг милитаристик йўли ва агрессия сиёсати — ялпи тинчликка қилинаётган бевосита таҳдид. АҚШ маъмуриятининг вазиятни кескинлаштиришга, мавжуд мувозанатни бузишга, халқаро муҳитни кескинлаштиришга, давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига путур етказишга интилиши. «Совет хавфи» деган пропаганда кампанияси — қуролланиш пойгасини идеологик жиҳатдан ниқоблашдир. Америкаларнинг олдинги базаларида жойлаштирилган қуроллари тўғрисида жўрттага оғиз очмаслик. Вашингтоннинг «ноль варианти»и тўғрисидаги таклифи — Ғарб империалистик доираларининг СССРни бир томонлама қуролсизлантиришга эришиш йўлидаги уринишидир.

Халқаро вазият кескинлашган бир шароитда СССР тинчликсевар ташқи сиёсатининг изчиллиги ва принципиаллиги Совет Иттифоқининг мустаҳкам тинчликка ва барча давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли тинч ҳамкорликка қаратилган қатъий ва ўзгармас йўли. Европада ядро қуролларини қисқартириш — янги жаҳон уруши хавфи ортиб бораётганлигининг олдини олишдаги энг асосий масала. СССРнинг Европа қисмида ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини жойлаштирмай туриш борасида бир томонлама тартибда қарорни жорий этиш тўғрисида, гоят олисга учириладиган қанотли ракеталарни жойлаштирмаслик тўғрисида ўзаро мажбуриятлар кабул қилиш ҳақида, ҳарбий-денгиз флотларининг ҳаракатларини ўзаро чеклаш ва дунёё океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисида Совет Иттифоқининг янги ташаббуслари — СССРнинг тинчликсеварлиги ҳамда тинчликни сақлаб қолиш ва кескинлик юмшатилишини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигининг яққол ифодасидир.

Совет Иттифоқининг янги конкрет ва узоқни кўзловчи таклифларига жаҳон жамоатчилигининг берган юксак баҳоси.

ЛЕКЦИЯЛАР, ДОКЛАДЛАР, СУҲБАТЛАРНИНГ ТЕМАТИКАСИ

Л. И. Брежнев нутқи — КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг илҳомбахш программаси.

Совет жамиятининг бузилмас бирлиги.

КПСС XXVI съезди қарорлари — миллионларнинг жонажон қадрдон иши.

СССР касаба союзларининг XVII съезди — мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги катта воқеа.

Касаба союзлари — совет жамиятининг таъсирчан кучи.

Касаба союзлари совет жамиятининг сиёсий системасида.

Бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби.

Ривожланган социализм шароитида совет касаба союзлари.

Социалистик демократияни бутун чоралар билан ривожлантирайлик.

Совет жамиятининг ҳар томонлама тараққиёти.

Меҳнат — Ватанимиз улуғворлиги ва қудратининг негизи.

Совет жамияти барча синфлари ва социал гуруҳларининг ғоявий позициялари ишчилар синфининг дунёқарашини белгилаб беради.

Жисмоний ва ақлий меҳнатнинг бир-бирига яқинлашуви.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг йўқолиб бориши.

Социалистик мусобақа — оммаонинг ижодий активлигини юксалтиришнинг, мамлакатни иқтисодий ўстиришнинг қудратли воситаси.

Меҳнат аҳли тўғрисидаги ғамхўрлик, ишлаб чиқариш тўғрисидаги ғамхўрлик диққат марказида бўлсин.

Зарбдорларча, ғайрат-шижоат билан виждонан ишлаймиз.

Янги, илғор ташаббуслар бутун чоралар билан

БУГУН—УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Совет халқи фаровонлигини янада ошириш вазифасини ҳал этишда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг ҳиссаси катта. Меҳнаткашларнинг хизмат соҳасига бўлган талаби айниқса, кейинги йилларда тобора ошмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили министрлик ва унинг қарамоғидаги корхоналар учун аҳолига маиший хизмат даражасини кўтариш ва соҳани бошқариш структурасини такомиллаштириш ишларини амалга ошириш йили бўлди. Министрлик бўйича хизмат ҳажми 1980 йилга нисбатан 9,4 процент ўсди.

1981 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юқори кўрсаткичлари учун Бухородаги Партия XXII съезди номли якка тартибда кийим тикиш фабрикаси коллективи юксак мукофотга сазовор бўлди. Бу коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР нинг иқтисодий ва социал тараққиёт давлат планини муваффақиятли бажариш учун 1981 йил республика социалистик мусобақасидаги якунлари бўйича ғолиб деб топилган Тошкент шаҳар ижрокоми аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг пойабзал ремонти ва якка тартибда кийим тикиш ҳамда кўн-галантерея буюмлари, «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Республика халқ хўжалиги ва меҳнаткашларнинг турмуш даражаси тобора юксалиб бораётганлиги маиший хизмат корхоналари ишини янада такомиллаштириш ва яхшилашни тақозо этмоқда. Эришилган муваффақиятлар албатта ҳаммамизни ҳурсанд қилади. Лекин партия ва ҳукуматимиз маиший хизмат ходимлари олдига янада юксак вазифаларни қўймоқда. Бу йил маиший хизмат ходимлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш соҳасидаги қатор вазифаларни ҳал этишлари лозим.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида маиший хизматнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун капитал қурилишга 17,4 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилмоқда. 46 та маиший хизмат корхонаси қурилади ва реконструкция қилинади. Наманганда 230 ишчи ўринга эга бўлган маиший хизмат кўрсатиш уйи, Термизда кийимларни химиявий усулда тозалаш фабрикаси, Урганч районида гўзаллик салони, Эллиққалъа районида ҳаммом, Мангит, Бухоро, Пахтаобод, Конимех, Тошкент, Бўка ва бошқа шаҳар ва районларда ателъелар, кийимларни кимёвий усулда тозалаш пунктлари қуриб ишга туширилади. Натижада хизмат кўрсатиш ҳажми 306,3 миллион сўмгача, қишлоқ жойларда эса 145,9 миллион сўмгача етади.

Бу йил бошқаришнинг ташкилий структураси ва методларини такомиллаштириш ишга давом этади. Корхоналарни ихтисослаштириш, марказлаштириш, мустаҳкамлаш асосида хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати ўсиб боради. Кўплаб янги технологик жиҳозлар ўрнатилади. Ресурслардан рационал фойдаланиш ҳисобига 624,9 киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш ва бошқа моддий бойликларни тежаш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш кооперациянинг ички системасини кенг тараққий эттиришни талаб этади. 1982 йилда кооперация йўли билан кўрсатиладиган хизмат ҳажмини 18,4 миллион сўмга етказиш мўлжалланяпти. Бу эса қишлоқ меҳнаткашларининг маиший хизматга бўлган талабларини тўлароқ қондириш имконини беради.

Маиший хизматни тараққий эттириш кўп жиҳатдан кадрларга ҳам боғлиқ. Бу соҳадаги муваффақиятлар ходимларнинг профессионал маҳоратига, улар илмий-техника прогрессидан қандай фойдаланишларига боғлиқ. Бу йил кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳунар-техника билим юртлари ташкил этилади. 1250 киши турдош касбларни эгаллайдилар. 650 ишчи-хизматчи ўз малакасини оширади.

Ҳозирги кунда корхоналарда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа авж олмоқда. Биз шуни ишонч билан айта оламизки, республикамиз маиший хизмат кўрсатиш ходимлари КПСС XXVI съездининг халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қўйган вазифаларини амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этадилар. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маданиятини янада юксалтирадилар, СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оладилар.

Н. ЖУМАЕВА.
Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрининг ўринбосари.

Пойтахт области қишлоқ ва посёлкалари, колхоз ва совхозлари марказлари кун сайин гўзаллашиб, жамол очиб бормоқда. Ғалаба районидаги Свердлов номли колхознинг марказида бош план бўйича кўплаб уй-жойлар ва турли объектлар қад ростлади. Сўнгги уч йил ичида қишлоқ қурувчилари 10 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлштирдилар. Томоша зали, кутубхона, машғулотлар учун алоҳида хоналарга эга бўлган маданият саройи, «Мингчинор» савдо комплекси фойдаланишга топширилди. Янги қурилган уй-жойларга хўжалик аъзолари кўчиб ўтишмоқда.

Суратда: колхоз посёлкасида қурилган уй-жойлар.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Партиямизнинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил Пленуми қарорларига амал қилаётган республика - коммунал хўжалик бўлинмалари ходимлари катта зафарларни қўлга киритишмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, шу соҳа хўжалигини ривожлантириш борасида талайгина ютуқлар қўлга киритилди. Халқ хўжалик плани муддатидан олдин 15 декабрда бажарилди, аҳолига 442 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Республика ремонт-қурилиш ташкилотлари ва Тошкент шаҳри ремонт-қурилиш ташкилотлари 211 миллион сўмлик иш бажардилар. Уй-жой фондини ободонлаштириш ва капитал ремонт қилиш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. 1 миллион квадрат метр фойдали майдонни ўз ичига олган турар жойлар ремонтдан чиқарилди. Айни чоғда янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди, уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Республика шаҳар ва район марказларини ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш соҳасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Ана шу мақсад учун 80 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг ўзида 973 минг квадрат метр майдонга эга бўлган йўллар ремонт қилинди. 19 гектар майдон кўкаламзорлаштирилди. Салор каналига замонавий кўприк қурилди.

Ўтган йили икки марта ободонлаштириш ойлиги ўтказилди. Унда меҳнат коллективларининг жонбозлик кўрсатганликларини алоҳида таъкидлаш керак. Ойлик да 3 миллиондан зиёд киши қатнашди. 20 миллион квадрат метрга яқин майдон, ирригация тармоқлари тозаланди. Фарғона, Самарқанд, Нукус, Янгийўл, Китоб шаҳарлари, Тошкент шаҳрининг Ҳамза, Акмал Икромов ва Собир Раҳимов районлари бу кўрикда ғолиб чиқдилар. Ғолибларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроқлари топширилди. Фарғона «Облремстрой» трестининг зафари, айниқса, салмоқли бўлди. Социалистик мусобақада ғолиб бўлганлиги учун трест коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда дипломига сазовор бўлди.

Бугунги кунда коммунал хўжалик ходимлари ўз зиммаларидаги план ва мажбуриятларни барвақт бажариш ҳамда СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИГА» ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛАДИ

Бағдод район Кенагас қишлоғида яшовчи газетхон С. Саримсоқов ва бошқалар томонидан Кенагас, Отхона ва Кўрғонча қишлоқларида артезиан сувларининг йўқлиги, айрим ички йўллар асфальтланмаганлиги, район маркази билан боғловчи автобусларнинг йўқлиги ва бошқа ободончилик ишлари билан боғлиқ масалалар яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳақида шикоят хати олинганди.

Ана шу шикоят юзасидан БАҒДОД РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ текшириш ўтказиб, тубандаги тадбирларни белгилаган:

— Шикоят хати район ижроия комитети комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди. Кенагас, Отхона ва Кўрғонча қишлоқлари аҳолисига маданий маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида замонавий магазин, сартарошхона қуриб топширилди. Бироқ, бу қишлоқларни қайта қуриш бош плани йўқлиги сабабли район Совети ижрокоми қўшимча тадбирлар ишлаб чиқди. Аҳоли сув билан тўла таъминланди. Қишлоқларни артезиан суви билан таъминлаш мақсадида қувурларга буюртма берилди. Шу йилдан бу ишларни амалга ошириш планлаштирилмоқда. Колхознинг бошқа мақсадларда фойдаланилаётган биносини киноклубга мослаштириш ишлари олиб борилмоқда. Кенагас қишлоғининг марказига қадар йўллар асфальт қилинди.

Район маркази билан боғловчи автобус қатнови Бағдод-Дашт, Бағдод-Дўрмонча маршрутлари мунтазам йўлга қўйилган.

Район Совети ижроия комитети белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан доимий назорат ўрнатди.

МАККАЖЎХОРИКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Сурхондарёлик «каҳрабо дон» ижодкорлари ўтган йили об-ҳаво шароити ҳаддан ташқари ноқулай келишига қарамай катта хирмон кўтардилар Ғагарин райони маккажўхорикорлари гектаридан 95 центнердан, ленинйўлликлар — 90,9 центнердан, қумқўрғонликлар — 90,5 центнердан дон хирмони уйишга муваффақ бўлдилар.

СССР ташкил топганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган 1982 йилда область маккажўхорикорлари ўз устларига янада юксак ва конкрет мажбуриятлар олдилар. Шу кунларда улар дала ишларини қизитиб, социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар ва меҳнат вахтасида туриб ишлямоқдалар. Бу йил область бўйича 20 минг гектар сугориладиган ер маккажўхори экиш учун ажратилди. Қумқўрғон районида янги ташкил этилиб, маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган совхозда 2000 гектар, «Москва» колхозида 500 гектар, Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозида ва Жума Пирназаров номли колхозда 300-350 гектар майдонга маккажўхори экиш учун тайёргарлик ишлари кун сайин қизитилмоқда.

Ғагарин районидаги «Пограничник» совхозининг донгдор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Эшмамат Бўриев бошлиқ азамат коллектив аъзолари ўтган йил кузида ажойиб ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиққан эди. Бу азамат коллектив аъзолари мўл-кўл пахта етиштириш билан бир қаторда, бўш ерлардан 200 гектар ўзлаштириб, бу майдонларнинг гектаридан 60 центнердан бошоқли дон етиштириш, унинг ҳосили йиғиштирилгач, ўрнига зуллик билан дон учун маккажўхори экиш ва ҳар гектардан 100 центнердан «каҳрабо дон» олиш мумкинлигини амалда исбот қилиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляптилар. Э. Бўриев ташаббусига Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ҳасан Мухторов, Абдуғаффор Хўжаназаров, Ленин ордени кавалери Ўскин Аҳмедов бошлиқ ва бошқа илғор коллективлар ҳам қўшилдилар. Издошлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

— Хўжалигимизда маккажўхори экишга киришилди, — дейди биз билан суҳбатда Эшмамат Бўриев, — Бизнинг вазифамиз ҳар гектардан камида 100 центнердан «каҳрабо дон» етиштиришдан иборат. Бу осон эмас, албатта. Бунинг учун ганимат фурсатларни бекорга ўтказмаслик, ишни тўғри ташкил этиш, зарбдорчасига меҳнат қилиш даркор. Энг муҳими маккажўхори дони етиштиришнинг индустриал технологиясига ва нарядсиз бригада пудратига тўлиқ ўтиш зарур. Бунинг маъноси, сифатли уруғ экиш, кўл меҳнатини батамом тугатиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан ер картограммаси асосида тўғри фойдаланиш, бегона ўтларга қарши гербицидларни кенг қўлланиш, ҳар гектар ерга камида 600 килограммдан фосфор, 1 тоннадан азот, 20 тоннадан гўнг солиб, барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, бутун ҳосилни фақат механизмлар ёрдамида уч-тўрт иш кунида йиғиштириб олиш демакдир.

Биз яқинда илғор маккажўхоричилик бригадаларидан бир нечасининг далаларини айланиб, уларнинг ишларини кўздан кечирдик. Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг Н. Холмирзаева бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 130 центнердан «каҳрабо дон» етиштиришга сўз берганлар. Уларнинг сўзлари билан ишлари орасида ҳеч қандай тафовут йўқ. Гектар бошига 20-25 тоннадан маҳаллий ўғит хандақларга келтириб тўкилган. Маккажўхори кафтдек қилиб текисланган майдонларга экилган. Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг А. Мустанов, «Комсомол 30 йиллиги» совхозининг Т. Маматраҳимов, Ленин йўли районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг О. Муродов, Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозининг Э. Абдиев ўртоқлар бошлиқ маккажўхоричилик бригадалари аъзолари ҳам юбилей йилида гектаридан 110-120 центнердан дон етиштириш мажбуриятини олиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

МЕҲМОНДЎСТ БОЛГАРЛАР ДИЁРИДА

СОФИЯ, 19 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси, СССР Олий Советининг депутати М. С. Соломенцев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясининг мамлакат бўйлаб қилаётган сафари вақтида бугун «1877 йилдаги Стара-Загора ҳимоячиларига» ёдгорлик комплекси ёнига гулчамбарлар қўйди. Ёдгорлик комплекси Болгарияни усмонийлар зулмидан озод қилиш учун бу ерда бўлиб ўтган ҳал қилувчи жангларнинг бирида ҳалок бўлган рус жангчилари ва болгар лашкарлари шарафига барпо этилган. Қаҳрамонова Шипкадаги ёдгорликка ҳам гулчамбарлар қўйилди. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Бузлужа тепалигидаги ёдгорлик уйини бориб кўрдилар. Бу уй Болгария социал демократик ишчи партиясининг бундан 90 йил муқаддам шу ерда ўтказилган ва БКП ташкил этилишига асос солган таъсис съезди шарафига қурилган.

Совет меҳмонлари зиёратчиларнинг фахрий китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирдилар: «СССР Олий Совети делегациясининг аъзолари ёдгорлик уйининг экспозицияси билан ғоятда қизиқиб танишдилар. Тилларда достон бўлган Бузлужа болгарлар диёрида марксча ғоялар машъалини биринчи бўлиб ёққан кишиларнинг жасорати тўғрисида мангу эслатиб туради. Совет кишилари халқларимизнинг интернационал алоқаларини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган Д. Благоев ва унинг сафдош шогирдлари бошчилик килган кекса ишчилар революцион ҳаракати хотирасини эъзозламоқдалар».

Қозонлуқ шаҳри аҳолиси Олий Совет делегациясини самимий кутиб олди. Бургас меҳнаткашлари ҳам Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни шод-хуррамлик билан қабул қилдилар. Бу ерда делегация аъзолари «Бургас» аграр-саноат комплексига бордилар, чорвачилик хўжалигини кўздан кечирдилар.

Кечқурун делегация Бургас округи партия раҳбарлари ҳамда округ халқ кенгаши депутатлари билан учрашди.

СССР Олий Совети делегациясининг сафарида БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Халқ мажлисининг раиси С. Тодоров ҳамроҳлик қилди.

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

ВЕНА, 19 март. (ТАСС). Венадаги Хофбург саройида «80-йиллардаги халқаро иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари» мавзуида симпозиум иш бошлади. Симпозиумда дунёнинг 40 мамлакатидан сиёсий, савдо-сотиқ ва ижтимоий доираларнинг мингга яқин вакиллари, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган вакиллар қатнашмоқдалар.

Симпозиум қатнашчилари дунёдаги иқтисодий аҳволнинг актуал масалаларини муҳокама қиладилар, ижтимоий тузуми ҳар хил бўлган давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқадилар.

Австрия канцлери Б. Крайский симпозиумнинг очилишида нутқ сўзлаб, ўз мамлакати кескинликни юмшатиш сиёсатига содиқ эканлигини таъкидлади. Бу сиёсатнинг Европа чегараларидан олисда яшайдиган кишиларга нисбатан европаликлар учун шубҳасиз катта аҳамияти бор, деб таъкидлади у. Канцлер Ғарб билан социалистик мамлакатларнинг савдо-сотиқ ва иқтисодий муносабатларини янада ривожлантиришни ёқлаб гапирди. У Ғарбдаги муайян доиралар Шарқий Европа давлатларига қўпол суръатда иқтисодий тазйиқ кўрсатмоқчи бўлиб қилаётган уринишларини «хом ҳаёл» деб атади. Шу «хом ҳаёл»лардан мумкин қадар тезроқ воз кечиш керак, деб таъкидлади канцлер.

Б. Крайский Яқин Шарқдаги аҳволга тўхталиб, Фаластин проблемасини ҳал этмай туриб, бу региондаги можаролар тинч йўл билан бартараф этилишига эришиб бўлмайди, деди.

Телетайп лентасидан

ПАРИЖ. Франциянинг ташқи савдо камомати шу йил февраль ойида 5,3 миллиард франкка етди. Мамлакат экономика ва молия министри Ж. Делор шу ҳақда хабар қилди.

ТОКИО. Япониянинг Окинава префектурасидаги маъмурий марказ — Наха шаҳри ядросиз зона деб эълон қилинди. Маҳаллий муниципал мажлис ана шундай қарор қабул қилди. (ТАСС).

СЎЗДА ВА АМАЛДА

АФҒОНИСТОН ТЕВАРАГИДАГИ АҲВОЛНИ СИЁСИЙ БАРТАРАФ ЭТИШГА КИМЛАР ҲАЛАҚИТ БЕРМОҚДА?

АХДП Марказий Комитети Бош секретари Бабрак Кармал Афғонистон Халқ демократик партиясининг умуммиллий конференциясида нутқ сўзлаб, АХДП ва революцион ҳокимиятнинг халқаро масалаларга ёндашувидаги бош вазифа регионда ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя этиш йўлида изчил ҳаракат қилишдан иборат эканлигини таъкидлади. Афғонистон партияси, ҳукумати ва халқи бугунги кунда АДР бевосита дуч келаётган халқаро проблемаларнинг ҳал этилишига ана шундай позицияларда туриб ёндашмоқдалар ҳамда мазкур проблемаларни ҳал этишнинг тинч йўлларини қидириб топиш. Афғонистон билан унинг қўшнилари — Покистон ва Эрон билан музокаралар ўтказиш юзасидан ҳамон куч-ғайрат сарфламоқдалар. АХДПнинг умуммиллий конференцияси мамлакат ташқи сиёсий йўлининг ўзгармас эканлигини тасдиқлади. БМТ Устави принципларига қатъий риоя этиш ҳамда сиёсий ва ижтимоий тузумилан қатъи назар барча мамлакатлар билан АДРнинг муносабатларини суверенитет ва давлат мустақиллигини ўзаро ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари негизида ривожлантириш ана шу ташқи сиёсий йўлнинг асосидир

Шу нарса яхши маълумки, АДР ҳукумати 1980 йил майида ва 1981 йилнинг августида Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этишнинг кенг ва амалий программасини олга сурган эди. АДРнинг ички ишларига ташқаридан қуролли аралашув ва бошқа ҳар қандай шаклдаги аралашувни батамом тўхтатиш ҳамда шундай аралашувлар қайта бошланмаслигини гарантиялаш мазкур программанинг бош мақсади ва асосий мазмуни бўлиши керак. Айни шундай аралашув региондаги вазиятнинг кескинлашувига асосий сабаб бўлди ва умуман халқаро аҳволнинг ривожига салбий таъсир ўтказди. АДР ҳукумати проблемани тубдан ҳал этишни таклиф қилиб, проблемани ҳал этишга эришиш йўлларига ёндашувда эпчиллик кўрсатди. Афғонистон томони ҳар бир мамлакат билан алоҳида-алоҳида музокаралар ўтказишни афзал билиб, уч томонлама музокараларга ҳам тайёр эканлигини билдирди. Афғонистон томони музокараларда БМТ Бош секретари ёки унинг вакили иштирок этишига ҳам эътироз билдирмади. АДР ўз қўшнилари билан айни бир вақтда ва параллел равишда икки томонлама ёки уч томонлама музокаралар олиб бориш билан бирга халқаро гарантияларни ишлаб чиқишга доир кўп томонлама маслаҳатлашувларни ўтказиш ҳам мумкин деган фикрни билдирди. Бунда ўз-ўзидан равшанки, тегишли давлатлар ўртасида Афғонистон проблемасининг фақат ташқи жиҳатларини кўриб чиқиш тўғрисидагина гап бориши мумкин. АДР ҳукумати эса бунда албатта иштирок этиши шарт. Афғонистоннинг ички ишларига таллуқли масалаларни фақат афғон халқидан бошқа ҳеч ким ҳал этаётгани йўқ ва бундан кейин ҳам ҳал этмайди.

Шундай сиёсий бартараф этиш доирасида Афғонистондаги чекланган совет ҳарбий қисмлари территориясида масала ҳам муҳокама қилиниб, ҳал этилиши мумкин бўлуб эди.

АДРнинг амалий ва ҳамма учун маъқул бўладиган таклифлари аҳволни сиёсий бартараф этиш учун яхши негиздир. Мана шу таклифлар қаратилган томонлар холис ниятда бўлганлари тақдирда шу таклифларни амалга оширишга, биноборин эса Жануби-Ғарбий Осиёда афғон халқининг ғанимлари айби билан вужудга келган танг вазиятни тугатишга умид боғлаш мумкин бўлур эди, бу эса сўзсиз, умуман халқаро вазиятни яхшилашга хайрли таъсир ўтказган бўлур эди.

Шундай савол туғилади: хўш, суверен Афғонистон ҳукуматининг ташаббусларига, жумладан Исломобод билан Вашингтонда қандай жавоб қайтаришди? Покистондагилар сўзла музокаларни ёқлаб чиқиб, унинг ўтказилиши учун ҳар хил шартлар қўймоқдалар. Афғонистон томони ана шу шартларни қабул қилганида, улар бу шартларни тез орада «унутиб қўйдилар» ва АДРнинг ички ишларига тўғридан тўғри аралашув, бинобарин эса номақбул бўлган янги шартларни ўртага қўяверадилар. Покистон пайсалга солиш ва тўсқинлик қилиш тактикасини қўлланаётганлиги равшан бўлиб қолди. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай тактика Америка маъмурияти ушбу масалада эгаллаб турган йўлга мос бўлиб тушмоқда. Қўшма Штатлар музокаралар ўтказиш имкониятига тўсқинлик қилибгина қолмай, шу билан бирга аҳволни сиёсий бартараф этиш ғояларининг ўзига қарши чиқмоқдаки, бунга унинг сўзда эмас, балки амалда қилаётган ҳаракатларига қараб баҳо бериш мумкин.

Ҳаракатлар эса қуйидагилардан иборат: айни АҚШ Покистон территориясида босмачи тўдаларни тайёрлямоқда, айни АҚШ уларни қурол-яроглар, шу жумладан химиявий қуроллар билан ҳам таъминлямоқда, Америка маслаҳатчилари АДРга қарши разил уруш олиб бораётган шайкаларнинг турли бошлиқлари ўртасида мувофиқлаштирмоқда, баъзи бирлари ҳатто Оқ уйда ҳам бўлдилар.

Вашингтондагилар «афғон халқининг тақдиридан ташвишланмоқдамиз» деб кун сайин такрорламоқдалар. Амалда эса бундай «меҳрибонлик» халқаро ҳуқуқни бузишдан, бандитлик ва террорчиликка рағбатлантиришдан, бошқа мамлакатнинг ички ишларига аралашишдан, Афғонистон теварагидагина эмас, шу билан бирга бутун Жанубий Осиё регионида ва Форс кўрфазида кескинликни кучайтиришга интилишдан иборат бўлмоқда.

Покистон маъмурлари Афғонистон воқеалари теварагидаги кескинликдан ўзининг армиясини янгилаш учун, АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатларидан кўпроқ ҳарбий аслаҳа-анжом олиш учун фойдаланиб қолишга интилаётганликлари ҳам сир эмас. Покистон армияси мамлакатдаги ҳозирги режимнинг таянчидир.

Конуниятли яна бир масалани эслатиб ўтиш жоиздир — Покистон ичкарисида кескинлик кучайиши биланоқ дарҳол ғўё Совет Иттифоқи ва Афғонистон томонидан «ташқи хавф-хатар» бор деган сафсата эўр кучи билан ишга солинади. Шундай қилиб, бир ёлғон иккинчи ёлғонни юзага келтиради ва ҳар хил сохтакорликлар иқлоби остида прогрессив ва демократик ташкилотларга нисбатан кенг қўламда репрессиялар қилинмоқда. Прогрессив ва демократик ташкилотлар Покистонда ҳарбий ҳолат бекор қилинишини ва сайлов ўтказилишини талаб этмоқдалар.

Қўшма Штатлар Покистонда плацдарм сифатида фойдаланиб, АДРга қарши агрессияни - давом эттирмоқда, шу районда кескинликни кучайтирмоқда.

Афғон халқи аксилинқилобчиларнинг бандитлик хуружларини даф этишига тўғри келмоқда, аксилинқилобчилар қароқчиларча ҳаракат қилиб ,мактаблар ва мачитларга, озиқ-овқат ва дори-дармон ортилган карвонларга, ўз далаларида ишлаётган деҳқонларга ҳужум қилмоқдалар, тинч аҳолига зулм ўтказмоқдалар.

Қийинчиликларга қарамай Афғонистон революцияси ҳамон олга бормоқда. Революция амалга оширилганидан кейин ўтган салкам 4 йил ичида АДРда меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб туб социал иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.

Афғонистондаги революцион ислоҳотлар жараёни муқаррардир. Зотан ҳозир Афғонистон теварагида кескинликни вужудга келтираётган кимсалар буни эртами-кеч тушуниб олишга мажбур бўладилар. Уларга Л. И. Брежневнинг сўзлари билан жавоб қайтариш мумкин: «...ҳақиқатан ҳам шу проблемага барҳам бериш истаги бўлган тақдирда Афғонистон ишларига ташқаридан аралашишни тўхтатиш ва Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этиш мақсадидаги куч-ғайратларга жиддий равишда яқиндан қўшилиш керак.

Бунинг учун яхши негиз — Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати олга сурган таклифлар бор».

Фактлар Афғонистон теварагидаги аҳволни бартараф этишга кимлар ҳалақит бераётганлигини мутлақо равшан кўрсатиб турибди. Булар даставвал, АҚШ, Покистон ҳамда уларнинг Ғарб ва Шарқдаги баъзи гумашталаридир. Сиёсий бартараф этиш иши амалий ўзанга ўтмаслиги ва Афғонистон теварагидаги кескинлик сақланиб қолаётганлиги ҳамда қасддан кучайтирилаётганлиги, шу жумладан Афғонистонга қарши ошадиган кампаниялари авж олдириш йўли билан кучайтирилаётганлиги, Афғонистон территориясига диверсантлар, террорчилар ва империализм малайларидан иборат бошқа шайкалар ҳамон юбориб турилганлиги учун бутун жавобгарлик фақат ўшаларнинггина зиммасига тушади.

(ТАСС).

КУЧАТ ЭКИНГ — БОҒ ҚИЛИНГ!

ТУТЗОРЛАР КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Андижон область Ленин районининг деҳқонлари пиллачилик озуқа базасини анча мустаҳкамладилар Улар бу йилги планда кўзда тутилганидан анча кўп — қариб 700 мингта тут кўчати ўтказдилар.

Районда тутзорларни парвариш қилишга оид ишлар ҳам муваффақиятли тугалланмоқда Тутзорлар суғорилиб, озиқлантирилди. Хўжаликларда пиллахоналар, инкубаторлар ремонтдан чиқарилди. Пиллачиларнинг ўқиши тугади

(ЎзТАГ).

АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

Саксон биринчи йил наврўзи билан саксон иккинчи йил наврўзи оралиғидаги даврда республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеалар қайд қилинди. Улкан меҳнат зафарларига эришилди. Янги-янги ташаббуслар билан чиқаётган кишилар сафи янада ортди. Жуда кўп ишчилар, пахтакор, чорвадор ва маданият ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди, унвонлар билан тақдирландилар. Биз бугун ана шундай катта эътирофга сазовор бўлган замондошларимизга «Наврўз айёмидаги қувонч ва ўй-режаларингиз билан ўртоқлашсангиз», деб мурожаат қилдик.

НУРЛИ УФҚЛАР

Шомат АЛМАТОВ,
Қашқадарё область, Қарши районидаги «Ленин йўли» совхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Мана, ўлкамизда яна наврўз шодиёналари бошланди. Шоирлар баҳорни уйғониш фасли, деб аташади. Бу бежиз эмас. Она ер уйғонмоқда. Табиийки, баҳор нафаси жўш уриб турган наврўз тонготарида киши ҳаяжон билан ҳаётидаги энг қувончли дамларни эслайди. Ўтган наврўздан то бугунги кунгача менинг ҳаётимда ҳам қувончли кунлар, унутилмас лаҳзалар анча бўлди. Ҳаёт йўлим ҳақида ўйлаганимда аввалам бор партия ва ҳукуматимиз, халқимиз олдида қарздорлик туйғуси дилимни қамраб олади.

Меҳнат инсонга обрў келтиради, ҳаётни гўзал қилади. Мен доим шу ақидага амал қилдим. 1971 йили мени комплекс механизациялашган бригадага бошлиқ қилиб тайинлашди. Ўша йил биз ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олишга эришдик. Ўтган йили эса бригадамиз бўйича ҳосилдорлик 54 центнерни ташкил этди. 1981 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган планларни ва олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган юксак натижалар учун яқинда бир гуруҳ республикамизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илғорлари, партия ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Шулар қатори Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан тақдирланишим ҳаётимдаги энг ёрқин ва унутилмас саҳифа бўлди. Мен халқимиз, ҳукуматимиз олдида ҳамиша қарздорман, мени ўқитган, тарбиялаган ҳам шулардир.

Ўтган йили совхозимиз пахтакорлари она-Ватанга 6 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу улкан хирмонни бунёд этишда Эгам Баҳоров, Ашур Темиров, Мадамин Қиличев Замира Каримова сингари юзлаб пахтакорлар самарали меҳнат қилишди. Партия ва ҳукуматимиз менга берган юксак мукофот ана шу заҳматкашларнинг, совхозимиз барча меҳнаткашларининг меҳнатига берилган мукофотдир.

Серқуёш ўлкамизда баҳор нафаси кезаётган шу кунларда совхозимиз далаларида, хусусан, бригадамиз ёвонларида иш қизғин. Бу йил СССР ташкил этилганлигининг қутлуғ 60 йиллиги кенг нишонланади. Совхозимиз азаматлари бу санани саккиз минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиш билан кутиб олишга азму қарор қилган. Бизнинг бригада пахтакорлари ҳар 60 йиллик тўйга тўёна тариқасида ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиб-териб олишга бел боғлашган.

КЕНЖАТОЙЛАРНИ УЛУҒЛАБ

Ҳаким НАЗИР,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

— Наврўз айёмини мен ҳам қувонч билан кутиб оляпман. Ўтган баҳор ҳам менга оламжаҳон шодликлар келтирган эди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти беш томдан иборат «Танланган асарлар»ини нашрдан чиқарган ва бу асарлар тўпламим Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти номзодлигига кўрсатилган эди. «Танланган асарлар»им шу юксак мукофотга сазовор бўлганлиги мен учун қувончли, албатта. Бу мени янгидан-янги ижодий ишлар сари илҳомлантирди, дилимда каттадан-катта ижодий режалар туғилди. Яқин кунлар ичида ёш китобхонлар қўлига тегадиган «Бир оғиз сўз» ҳикоялар тўпламим ана шу илҳом тўлқинининг илк маҳсулидир. «Ёш гвардия» нашриёти нашрдан чиқараётган бу ҳикоялар тўпламимдан ўнга яқин янги ҳикоя ўрин олган. Уларнинг барчаси мен учун энг азиз бўлган кичкинтойлар, уларнинг бетакрор ҳаёти, орзу-ўйлари, маънавий дунёси ҳақидадир.

Наврўз айёмида шуни қувонч билан айтиш мумкинки, кейинги пайтларда партия ва ҳукуматимиз адабиёт ва санъат равнақига, ижодкор зиёлиларга янада чексиз ғамхўрлик кўрсатмоқда. Буни биз — ижод аҳли ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ўсмирлар ва болаларбоп энг яхши асарлар учун Ғафур Ғулом номида мукофот таъсис этди. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ташкил этилган йирик янги бўлим — Ўсмирлар ва болалар адабиёти бўлими фаолияти кучаймоқда!

Маълумки, «Кенжатой» қиссам Москвада чоп этилди. Бутуниттифоқ «Ёш ишчи» конкурсида диплом ва мукофот олди. Айни кунларда мен бир иш билан машғулман. Бу асар мантиқан «Кенжатой»га ҳамоҳанг. Асар, асосан, қишлоқларимиз ҳақида, у ерда туғилаётган ишчи ўғлинбосарлари, уларнинг дардудунёси, орзу-ўйлари, тақдири, мураккаб кечинмаларга бой ва сермазмун ҳаёти илк муҳаббатлари ҳақидадир. Қаҳрамонларимнинг ҳаёти меҳнат жабҳаларида кечади, бугунги куннинг маънавий масалалари, касб-ҳунар ва ахлоқка муносабат масалалари уларни қаттиқ ўйлантиради.

Болалар учун ёзилган асарларда меҳнатнинг ҳаётбахш романтикасини кўрсатиб бериш, китобхонда бунёдкорона меҳнатга муҳаббат уйғотиш бениҳоя муҳим аҳамиятга эга. Янги асаримда ўсмирларни катта ва суронли ҳаёт қўйнига дадил олиб кириши, эзгуликни ва ғўзалликни улуғлашни ўз олдимга асосий мақсад қилиб қўйганман. Зотан, бугунги кенжатой китобхонларимиз коммунизм қуражак авлод вакилларидир!

ЗАРБДОР МЕҲНАТ — ЮТУҚЛАР ҒАРОВИ

Тўлқин САМИҒОВ,
«Главташкентстрой»га қарашли 12-трест комплекс бригадасининг бошлиғи

Қувончимнинг чеки йўқ. Негаки, Ўзбекистон винокорлари — касбдошларим жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили ҳам янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритдилар. Улар КПСС нинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, халқ турмушини яхшилаш тўғрисида партия ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб қайтариб, капитал қурилиш ҳажми ва суръатларини ошириш, капитал маблағларнинг самарадорлигини ўстириш, иш сифатини яхшилаш йўлида янгидан-янги резервлар ва имкониятларни қидириб топиб, ишга солмоқдадар. Фидокорона меҳнат, резервларни қидириб топиш, илғорлар тажрибасидан актив ва билиб фойдаланиш, бригада пудратини янада такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш улар эришаётган муваффақиятларнинг қимматли ғаровидир.

Меҳнатда довруқ тараётган она шундай замондошларимдан бир гуруҳи — республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорлари ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар. Бу ташаббусни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Ташаббускорлар сафида ўзим ҳам борлигимдан тўғрироғи, ана шу олижаноб ҳаракатни бошловчилардан бири бўлганлигимдан беҳад бахтиёрман! Ҳозир 1983 йилнинг учинчи квартали ҳисобига меҳнат қиляпман!

Ўй-режаларим ҳақида тўхталадиган бўлсам, шуни айтишим керакки, Тошкентнинг хуснига ҳусн бўлиб қўшилган В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи қурилишида қатнашган бригадамиз аъзолари ҳозир ана шу Сарой майдонида қад кўтараётган турар-жой бинолари қурилишида актив меҳнат қилишяпти. Мақсадимиз замондошларимизга маъқул бўладиган, замонавий турар-жой биноларининг энг яхши намуналари деб эътироф этилишга арзийдиган ишларни амалга оширишдир.

Имкониятдан фойдаланиб, республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорлари ташаббускорлари номидан, шахсан ўз номимдан газетхонларни, республикамизнинг барча меҳнатчиларини Наврўз байрами билан муборакбод этаман. Саксон иккинчи йил Наврўзи билан саксон учинчи йил Наврўзи оралиғидаги давр ҳам республикамиз учун фақат ва фақат қувонч подиклар, юксалишлар, муваффақиятлар йили бўлиб қолсин!

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

ОНА ЕР ЗАВҚИ

Қаерга шошасан, дўстим ҳордиқ ол,
Қулоқ бер, ариқлар шилдирашига.
Елда япроқларнинг пилдирашига,
Атроф қандай гўзал, бир пас
назар сол!
Умр деган нарса, ахир, боқиймас,
Ариқдаги сувдек оқиб ўтади.
Боғларга ҳам хазон фасли етади,
Ўз эркига қўйгин юракни бирпас.

Наврўзни қуйлайди кўкда қалдирғоч,
Бебаҳра қолмагин унинг базмидан.
Қатор турналарнинг айтган назмидан—
Сен ҳам бу баҳорга бағрингни кенг оч!
Минора устида лайлак айланар,
Гўё қанотида тарихлар ёзиқ.
У ҳам бағишлайди руҳингга озиқ,
Неларни хотирга келтирмас улар.

Дўстим, юрагингга эрк бер, бир
фурсат,
Дунёни қушлардек айласин парвоз.
Сен ҳам ўз-ўзингни қўлга ол бир оз,
Бизни яратган-ку она табиат.
Унинг ҳар гиёсни ардоқлаб сила,
Нурлар оғушига ўзингни бахш эт!
Наврўз қуйларини қалбингга нақш эт!
Она ер завқини унутма сира!

БУКУН...

Эй, ёронлар қувнангиз, наврўзи оламдир бугун,
Қанча ўйнаб, кулсангиз, эй, жўралар, камдир бугун!
Боқ, табаррук бу замин мисли кепинчак очилиб,
Майса, гулдан сеп ёзиб, оқ, мунча кўркамдир бугун!!
Мушку анбар бўйларин боғлар димоққа пуркабон, —
Хушнаво булбул қўниб гул новдаси ҳамдир бугун.
Дасти олтин пахтакор қурмиш узоқдан пойгаин,
Зўр пўлат тулпорлари майдонда илдамдир бугун!
Қирда маъраб қўй-қўзи, қайнар қозонда сут тошиб,
Чорвадор, айниқса, ҳам хушвақту ҳуррамдир бугун!
Ҳур Ватанга мўл ипак тўёна айлаш ишқида,
Пиллакорлар одими собиту шахдамдир бугун!
Бахши Едгорни кўринг, кенг ям-яшил қирлар аро
Қурди наврўз базмини, чор улфати жамдир бугун!

Едгор бахши ИСҲОҚОВ.

УМИД

ҚАТРА

Она ўғлини жангга кузатган кун бугунгидай эсида. Мана шу супада она-бола чой ичган, мана шу қари ўрик дарахти тагида гоҳ ҳаяжон, гоҳ йиғи билан сўнгги бор суҳбатлашган эдилар. Ўшанда Едгоржоннинг ўриги гуллаган биринчи баҳор эди.

...Ёлғиз ўғлидан она, онадан ўғилнинг ажралгиси келмай, йиғи билан хайрлашаётган эдилар. Шу дам кўкламнинг оҳиста шамоли турди-ю, ўрик гуллари она-бола пойига поёндоз бўлиб тўшалди.

— Қара болам, ўригинг ҳам сенга оқ йўл тилаб, пойингга поёндоз тўшамоқда. Юртимизда нафис гулларнинг пайҳон бўлмаслиги сен ва сен қаби ўғлонларнинг жасоратига боғлиқ, жоним болам.

— Ҳа, ойижон. Сиз ҳам, Ватан ҳам ягона. Мен ва мен каби лар юрт гулларининг сўлишига, муқаддас тупроғимизнинг оёқ ости бўлишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Ҳа, бу гуллар менга оқ йўл тиламоқда. Онажон, биз, албатта, ғалаба қиламиз, шунда баҳор бизни тарк этмайди. Мен, албатта, зафар билан қайтаман, эҳтимол яна баҳорда: ўрик гуллаганда қайтарман.

— Тилагинг йўлдошинг бўлсин, болам! Ой бориб, омон қайт!

...Баҳор кетидан баҳор ўтди. Бир-бирини қувлаб йиллар ўтди. Едгоржон айтган галаба куни ҳам келди. Лекин... Ўғилдан дарак бўлмади. Ҳар баҳор ўғлидан ёдгор — ўрик гуллайди. Ўрик гуллари ҳам она назарида Едгоржонни интизор бўлиб кута-кута сарғайиб сўлади.

Ўғлининг қўли теккан ниҳол азим дарахтга айланганида онага тасалли беради. У чўқур хўрсинади. Бу хўрсиниш ўғлининг қони бекорга тўкилмаганини, ўғли она-Ватан ва халқ ардоғида абадий барҳаёт эканлигини ҳис этишдан эди.

Яна баҳор келяпти. Она ўрик гуллашини интиқлик билан кутяпти. Мана шу кунларда топишганлар озми? Балки ўғли ҳаётдир, адашгандирлар... ўғли мана шу баҳор билан бирга кириб келса, ажаб эмас. Едгорнинг ўзи айтгандай ўрик гулларидан пайтда бўлмаса ҳам, ўрик гулларини тўккан маҳал кириб келар...

Она энди куртаклай бошлаган азим ўрик дарахти шохларига илтижо ва умид тўла кўзлари билан боқар, ўрик гуллашига оз қолганига ич-ичидан қувонар эди.

Ҳаннфа ЗОКИРОВА.

БАҲОРИСТОН

Руҳлардан туғилган нур дарёсидай
Селобий қудрат-ла оқмоқда наврўз.
Гулдан тўлқин отиб, ишқ знёсидан
Ҳар дилга бир офтоб ёқмоқда наврўз.

Ариқлар лабида анқиган райҳон
Ошиқлар кўнглининг атримикан ё!
Қишин ҳайдаб учган тонг қанот карвон
Нафосат назмининг сатримикан ё!

Оҳ, не тонг! Эл дилжўш, она Ер дилжўш,
Ошиқи шайдодай бу дунё сархуш!
Чўққига интилган Фарҳоддай ўпкам —
Янги марраларда ишлар ялангтўш.

Атрофга боқ, ўртоқ! Далалар ўйғоқ.
Дилмисол ёнаркан ложувард тонгда —
Бедор қонлар узра зароташ юлдуз,
Юкли поезд бўлиб яшил довонда

Олисларга чорлаб гувиллар наврўз.
Бугун менга наврўз лола жомида
Лаълий қадаҳ тутиб тонг гулобидан,
Бунда юрагимга дона сочмоқда

Қирдаги қўли гул мард суробида,
Нур тўлқин туйғулар гирдибодида...
Яна нафасидан яшнатиб баҳор,
Янги дур тоғларни кўзлар пахтакор.

Ана, қанот қоққан бургутдай шаштқур
Юксалур кранлар бу тонг паллада.
Шу баҳор тонгидай оқариб балқиб
Янги қурилишлар, дашту далада.

Баҳор гулдирар ҳар ғулғун дастгоҳда,
Атлас дарёсининг шаҳоласида.
Баҳор тўкилур ҳар ўтли ингоҳдан,
Юрак риштасидан, тонг толасидан.

Субҳий сукунатда Ер садосига
О, қандай ўхшайди шошқин қадамлар.
Саслар эшиларкан тонг навосига,
Йўлдан ғазал бўлиб оқар одамлар.

О, ана туманли сўқмоқлар тўлиб,
Ҳар дил бир офтобий булоқдай шу
тоб—
Орзу зилоли-ла жўшиб-қуйилиб,
Ҳаёт дарёсида этмоқда шитоб...

Атрофга боқ, дўстим! Ватан наҳори
Бугун сирга тўла, сеҳрга тўла.
Гулзаний куй бўлиб ўзбек диёри
Бу ошиқ дилларга солур ғулғула.

Фаввора урдими ёниқ муроддан
Бугун минг чечак-ла яшнаган олам!
Еки юрагидан Баҳористонни
Бугун яратдими ҳазрати Одам!!

Ғулом ИСМОИЛОВ.

«Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун

«Совет Ўзбекистони» газетасининг ғолибларга бериладиган кўчма соврининги Тошкент чинни заводининг қўли гул усталари тайёрлашди. Совринга доҳиймиз В. И. Ленининнинг иш кабинетидаги сиймоси туширилган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАРАФОНЧА ЮГУРИШ Косонсой 1982 СОВРИНИ УЧУН

● ЮГУРИШ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН ФОЙДАЛИДИР

● ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ ЙЎЛИДА

● СПОРТ МАСТЕРЛАРИ САФИ КЕНГАЯВЕРСИН

● БУ ЙИЛГИ МУСОБАҚАЛАР ҲАМ ҚИЗҒИН ҚУРАШЛАРГА БОЙ БЎЛАДИ

МАРДЛИК МАКТАБИ

БУГУН КОСОНСОЙ ШАҲРИДА «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ КЎЧМА СОВРИНИ УЧУН МАРАФОНЧА ЮГУРИШ ВА ЮРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ ҚЎТАРИЛАДИ

Югуришни инсон учун хосиятли ҳаракатлардан дейишади. Бунинг боиси бор. Аввало, техника гуркираб ривожланаётган, электроника равнақ топаётган даврда, атом асрида яшаб турибмиз. Бу билан, механизация ва бошқарув системаларининг самараси ўлароқ жисмоний меҳнату юмушлар енгиллашиб, фаровонлик ошиб боряпти, бўш вақтимиз кўпаймоқда. Зеро, ўз навбатида кам ҳаракатлик вужудга келмоқда. Хўш, вақтдан унумли фойдаланиб, унинг мароқли ва мазмунли ўтиши, кишининг ҳамиша тетик ва бардам бўлиши ва яхши кайфият билан меҳнат қучоғига қайтиши учун нима қилиш керак, деган саволнинг туғилиши табиий. Шифокорлар эса илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда соғлом, ҳатто дардчил кишиларга ҳам югуриш кераклигини тавсия этишмоқда.

Югурганда одамнинг бутун гавдаси ҳаракатга келади. Шунинг учун ҳам югуриш ихлосмандлари кўпайиб бормоқда. Спортнинг бирор тури йўқ-ки, маҳорат оширишга аҳд қилган йигит-қиз югуришни четлаб ўтса. Фигурачи-ю оғир атлетикачи, хоккейчи-ю гимнастикачи, хатто шахматчи ҳам жисмоний машқни югуришдан бошлайди. Ҳаваскор югурувчиларни айтмайсизми? Улар ўз клубларига бирлашиб, энг олис масофаларни танлаб, мақсад сари интиладилар. Ўй атрофида ёхуд кўча ўртасида чопаётган мўйсафидни кўриш баъзиларга эриш туюлиши мумкин. Лекин тортинчоқликни йиғиштириб, ўзини қўлга олган бундай отахонлар кўпайса-ю, ўзлари билан невараларини эргаштиришса нурустига аъло нур бўларди. Бу билан олисга югуриш ва спортча юриш оммавийлашаверарди.

Умуман, югуриш, айниқса олисга чопиш осон эмас. Узоқ масофага югуришга аҳд қилган кишидан ўзига хос матонат талаб қилади. Югурувчи ўзининг руҳий ва жисмоний имкониятларининг мутаносиблигига эриша олиши керак. Аслида югуришнинг завқи унинг қийинчилигида, машаққатидадир. Бўлмаса каттаю-кичик Тошкентдан Янгийўл, Чирчиқ, Олмалиқ, ҳатто Самарқанд ва Бухорогача бўлган масофада югурмас эди. Ҳар қалай, мамлакатимизнинг кўпгина жойларида бўлганидай, республикамизда ҳам марафонга қизиқиш ошмоқда. Бу ўринда «Совет Ўзбекистони» газетасининг спортнинг айнан олисга югуриш ва юриш тури бўйича республика очиқ чемпионати ғолибларига атаб соврин таъсис этгани мақсадга муваффиқ бўлиб турибди. Чунки, соврин учун кураш бошланганидан бери ёшларда марафонга бўлган қизиқиш сезиларли ортди.

Соврин учун кураш туфайли оммавийлик таъминланибгина қолмай, маҳорат касб этмоқда. 1979 йили Чирчиқда ўтказилган дасталабки совриндорлик баҳсида марафончилар сафида биргина спорт мастери бор эди. Ҳозир олти спорт мастери, 30 мастерликка номзод ва элликдан ортиқ биринчи разрядли югурувчимиз бор. Жиззах, Фарғонада бўлиб ўтган мусобақалар ҳам марафончиларнинг камол топиши йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бўлди.

«Асосий эътибор меҳнаткашларни, ёшларни бевосита корхоналарда, колхозларда, совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида ва аҳоли истиқомат жойларида физкультура ва спорт машғулотларига жалб этишга қаратилсин», дейилади КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарорида. Мусобақаларни қишлоқ жойларда ўтказишга кўпроқ аҳамият беришимизнинг боиси ҳам шундан. Югуриш шаҳар стадионидан бошланса ҳам, масофанинг олислиги туфайли қишлоқ йўлларида давом этмоқда. Бу ўз навбатида марра сари интилаётган марафончиня кўрган қишлоқ ёшларида зўр қизиқиш ва ихлос уйғотмоқда.

Маълумки, совриндорлик баҳси республика очиқ чемпионати деб юритилади. Бугунгача бўлиб ўтган мусобақаларда кўпроқ ўз имкониятларимиздан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Келаси йилдан бошлаб, газета соврини учун қурашгани Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келган меҳмонларнинг ҳам иштирок этиши учун имконият яратамиз. Чунки, таклиф қилинган маҳоратли марафончи билан республикамиз умидли югурувчисининг ўзаро баҳс юритиши пировард натижада ёшларимизнинг камол топишларига йўл очади.

Бугун Косонсой шаҳрида олис масофага югуриш ва спортча юриш бўйича «Совет Ўзбекистони» соврини учун республика очиқ чемпионатининг байроғи тўртинчи марта кўтарилади. Бу йил марра сари интилган ёшлар газетанинг Кўчма соврини учун курашадилар. Соврини Тошкент чинни заводининг қўли гул усталари-ю моҳир рассомлари тайёрлаб беришди.

Мусобақалар марафончиларни тўрт группага бўлинган ҳолда ўтказилади. Чунончи, эркаклар баҳсида 20—30 километрга спортча юриш қилинади, 30 километрга югуриш бўлади. Ёшлар эса 20 километрга югуриб, шунча масофага юрадилар. Ўсмирлар бу сафар 10 километр билан чекланишади. Аёллар 5 километрга спортча юриш қиладилар ва 30 километрли масофа бўйлаб югурадилар. Мусобақалар қизғин спорт курашларига бой бўлишига ишончимиз комил.

А. НОРМУРОДОВ,
марафонча югуриш ва юриш бўйича республика терма командасининг катта тренери.

БУНИСИ ҚИЗИК

САМОЛЁТДА ЕР КУРРАСИ БЎЙЛАБ

Америкалик Том Жевитт шу йилнинг май ойи бошларида самолётда Ер курраси атрофини қўнмасдан учиб ўтиш ниятидадир. Бунинг учун махсус қурилган самолёт унга ёрдам беради. Самолётнинг узунлиги 8 метр, қанотлари эса 16 метр. Самолёт 1800 литрга яқин ёнилғини олиб парвоз қилади. Ҳисобларга кўра бир литр ёнилғи тахминан 25 километр масофани босиб ўтишга етарлидир. Демак, иккинчи марта ёнилғи олмасдан, бутун маршрут бўйлаб парвоз қилиш мумкин.

Самолёт 6600 метрдан 8800 метргача баландликда тахминан 4 кун учади. Жевиттнинг айтишича, шу вақт ичида кўпи билан 10 соат ухлайди. Самолёт автопилотга эга. Айни чоғда самолётда у бирданига пастлашиб кетган ёки йўлдан адашган тақдирда огоҳлантирувчи қурилма бор. Учувчи Хьюстон аэродроми (Техас штати)дан учиб, кейин Мексика кўрфази, Азор оролларидан Шимолга қараб Атлантикадан Испания, Миср, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Хитойнинг жанубий қисми ва Тинч океани орқали учиб ўтади.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг навбатдаги сони 22 мартда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Будильник. 10.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.15 — Здоровье. 12.00— Тонгги почта. 12.30 — Бугун — Уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни. 12.45 — Қишлоқ янгиликлари. 13.45 — Музикали киоск. 14.15 — СССР касаба союзлари XVII съезди делегатлари ҳиноя қиладилар. 14.30 —Фильм-спектакль. 16.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.50 — Концерт. 18.30 —Халқаро панорама. 19.15 — Санъат усталарининг чиқиши. 20.20 — Ғиғирлик. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Спорт программаси. 22.50—Чет эл эстрадаси. 23.35 —Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Заряднага сафланинг. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 9.50 — Дарахтлар катта эди. Бадиий фильм. 11.20 — Концерт. 11.50 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.50 —Фронтдош дўстлар клуби. 17.50 — Бизнинг биография. 18.45 — Баскетбол Динамо — ЦСКА. 19.25 — Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. 20.00 — Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Эрмитаж. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 —Янгиликлар 10.10 — Телеминиатюралар. 10.50 — Мультипанорама. 11.50 — Кувнок старт-дар. 12.50 — Ўзбекистон спорти. 13.20 — Кувнок сехргарлик. Бадиий фильм. 14.25 — Бугун — Уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни. 14.35 — Реклама. 17.50 —Хоккей, Винокор — Торпедо (Усть-Каменогорск). 19.30 — Ахборот. 19.45 — Наврўзи олам. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Наврўзи олам. 21.30 — Время. 22.05 — Ватанни қўмсаш. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 —Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Сиҳат-саломатлик. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Меҳнаткашларнинг эҳтиёжи учун. 13.40 — Уй-жой коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари учун. 14.00 — Табаррук замин. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.45 — Оснё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. 18.15 — Меҳнат, спорт, саломатлик. 19.25 — Студент ва ёшларнинг талабларига биноан концерт. 20.15 — Уй-жой коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари учун.

«Узбекконцерт»
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН
«ДЎСТЛАРИМИЗ МЕЛОДИЯСИ-82»
халқаро эстрада программасидаги концертлар муддати
КУЧИРИЛАДИ

22 мартдан — 26 март соат 16.00 га.
23 мартдан — 27 март соат 12.00 га.
24 мартдан — 28 март соат 12.00 га.
Сотиб олинган билетлар билан кириш мумкин.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700090, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-53-17, 32-54-26, 32-54-27; оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-18, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.